



ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН ЕТАКЧИЛАРИНИНГ ОНЛАЙН- САММИТИГА ДОИР

Олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ, жорий йилнинг 11 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг видеонанжуман шаклидаги учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбир кун тартибидан Ўзбекистон — Ҳиндистон дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари ўрин олган.

Коронавирус инфекциясининг глобал миқёсда тарқалиши оқибатларини енгиб ўтишда яқиндан ҳамкорликни давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, транспорт алоқаларини ривожлантириш, кишлоқ хўжалиги, энергетика, ахборот-коммуникация технологиялари, соғлиқни сақлаш, фармацевтика ва бошқа тармоқларда кооперацияни кучайтириш ҳамда ҳудудлараро мулоқот-

лар, таълим ва гуманитар алмашинуви фаоллаштиришга қаратилган устувор дастур ва лойиҳаларни қўриб чиқиш режалаштирилган.

Учрашув чоғида икки давлат етакчилари жаҳон ва Марказий Осиёдаги вазият юзасидан фикр алмашдилар, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши самарали курашиш чора-тадбирларини муҳокама қилдилар.

Олий даражадаги музокаралар якунида Қўшма баёнот қабул қилиниб, иқтисодиёт ва инновациялар, молиявий-техник кўмак, божхона иши ва савдони техник тартибга солиш, кадрлар тайёрлаш ва қўшма илмий тадқиқотлар ўтказишга доир қатор ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар имзоланган.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОЛИЙ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИНИНГ ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларусь Республикаси Президенти, Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши раиси Александр Лукашенконинг таклифига биноан 2020 йил 11 декабрь кунини Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) нинг видеонанжуман шаклида ўтатган саммитида иштирок этади.

Тадбирда ЕОИИга аъзо давлатлар — Россия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Арманистон, шунингдек, кузатувчи мақомидаги Молдова ва таклиф этилган мамлакат сифатида Куба етакчилари ҳам қатнашади.

Ўзбекистон Республикасига ташкилот ҳузуридаги кузатувчи давлат мақоми бериш саммит кун тартибидagi асосий масалалардан биридир.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистоннинг ЕОИИ

билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг устувор йўналишларини белгилаб бериши кутилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, шу йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи фаолиятида кузатувчи давлат мақомида иштирок этиши тўғрисидаги таклифни маъқуллаган эди.

ЎЗА

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН ҲАМКОРЛИГИ МАМЛАКАТЛАРИМИЗ РАЎБАРЛАРИ ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН МУСТАҲКАМ ВА БАРҚАРОР ПОЙДЕВОР ТУФАЙЛИ УЛКАН САЛОҲИЯТ ВА КЕНГ ИМКОНияТЛАРГА ЭГА

Ҳиндистоннинг “Internationalaffairsreview.com” электрон нашрида мамлакатимиз элчиси Дилшод Аҳатовнинг “Ўзбекистон — Ҳиндистон: вақт синовидан ўтган дўстлик” сарлавхали таҳлилий мақоласи чоп этилди.

“Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги яқин дўстона муносабатлар асрларга бориб тақалади, — деб ёзади

элчи. — XI асрда атоқли ўзбек олими Абу Райҳон Беруний Ҳиндистонга сафар қилиб, ҳинд жамияти ва маданиятига бағишланган ўзининг энг машҳур асарларидан бири — “Таҳқиқ мо ли-л-Ҳинд мин маъқуда маъбула фи-л-ақл ав марзула” китобини ёзган. Ҳиндистонни Ўзбекистонда бой тарих ва бетакрор маданиятга эга мамлакат сифатида билишди, икки мамлакат халқларини кўп асрлик маданий ва савдо алоқалари, энг муҳими, самимий дўстлик ришталари боғлаб туради.

Ҳиндистоннинг Тошкентдаги Бош консулхонаси 1987 йил 7 апрель кунини расман очилган бўлиб, мазкур ваколатхона Ўзбекистон мустақилликка эришган, 1992

йил 18 март кунини Дипломатик ва консуллик масалалари бўйича протокол имзолангандан сўнг элчихонага айлантирилган. Ҳиндистон Ўзбекистон мустақиллигини тан олган илк давлатлардан биридир”.

Мақолада Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқаро ва минтақавий ҳамкорлигининг асосий масалалари бўйича муштарак қарашга эғалиги таъкидланган. 2011 йил май ойида икки мамлакат ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланган.

Давоми 2-бетда

МДҲ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

10 декабрь кунини Ўзбекистон Республикасининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги раислиги доирасида тузилмага аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши видеоконференция шаклида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов раислигида ўтган мажлисда Арманистон, Беларусь, Молдова, Озарбайжон, Россия, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Қозоғистон ташқи ишлар маҳкамалари раҳбарлари ҳамда МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедев иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари МДҲ доирасидаги ҳамкорлигининг долзарб масалалари ва халқаро кун тартиби юзасидан фикр алмашди, шунингдек, қатор ташкилий масалаларни муҳокама қилди.

А.Комилов Ўзбекистон Республикасининг МДҲдаги раислиги доирасида эришилган ижобий натижаларга тўх

таларкан, режалаштирилган деярли барча тадбирлар муваффақиятли ўтказилган, аъзо давлатлар ҳамкорлиги, тузилма фаолияти кўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ янги йўналишларни белгилаб берадиган ҳужжатлар имзоланганини таъкидлади. Жумладан, МДҲни янада ривожлантириш концепцияси янгилангани, Ҳамдўстлигининг 2030 йилгача Иқтисодий тараққиёт стратегияси, ҳарбий ва чегара ҳамкорлиги, инновация, транспорт, маданият, спорт, туризм ҳамда ёшлар бўйича 9 та дастурий ҳужжат қабул қилингани алоҳида қайд этилди.

Йиғилиш қатнашчилари эътиборига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ шафели-

гида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексини ишлаб чиқиш ташаббусининг аҳамияти ҳақида маълумот берилди. Мазкур таклиф инкирозларга биргаликда жавоб қайтариш бўйича ишончли тизимни жорий этиш учун концептуал ва ҳуқуқий асос яратиши мумкинлиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, дунёда пандемия ва бошқа умумбашарий таҳдидлар билан боғлиқ жараён кечаётган бир даврда Ҳамдўстликка аъзо давлатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётида, мамлакатлар ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

Давоми 2-бетда

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган изчил сиёсат жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Муносабат

БИРДАМЛИГИМИЗ ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ РАМЗИ



**Қутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Мудофаа ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси раиси**

Давоми 2-бетда

Юртимизда нишонланаётган ҳар бир байрам негизда жамиятни бирлаштирувчи, инсонни инсон қилувчи қадриятлар мужассам. Шу жиҳатдан Конституциямиз қабул қилинган кун ҳар бир юртдошимиз учун алоҳида қадр-қимматга эга бўлган айём ҳисобланади. Биргина ўтган тўрт йил мобайнида Конституциямизга замонга мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга қаратилган 7 та қонун қабул қилинди.

Ислохотлар амалда

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ, МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — ФАРОВОНЛИК АСОСИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида халқимизнинг бахтли, ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Ҳар жабҳада

Давоми 3-бетда

ана шу руҳдаги саяё-ҳаракатлар, чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Пировардида, вазият тубдан ўзгарди. Бугун Ўзбекистон аҳолиси ана шу ислохотларга дахлдорлик ҳисси билан яшамоқда.

Жамиятдаги ўзгаришларда, қонунчилик ва бошқарув тизимида ҳиссасини сезяпти. Фикрлар, таклифлар очик айтилибгина қолмай, энг муҳими, улар инобатга олинмоқда.

Шу жараёнда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш йўлида салмоқли ютуқларга эришилганини эътироф этиш жоиз. Жумладан, меҳнат муносабатларида ҳам. Бу борада янги ҳуқуқий асослар жорий этилди. Жараён эса давом этмоқда.

Мухбиримизнинг Ўзбекистон Республикаси бандлиги ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим ҲУСАНОВ билан суҳбати шу ҳақда бўлди.

ҲАР БИР ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТИШ — ДАВЛАТИМИЗ ВА ЖАМИЯТИМИЗНИНГ БОШ ВАЗИФАСИДИР

“Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади”, — деган ғоя асосида умуммиллий таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга мисли кўрилмаган эътибор қаратилмоқда.



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган бир қатор глобал ва минтақавий ташаббуслар, аниқ амалий таклифлар халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланди.

Сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга қаратилган ишларнинг таъсирчанлиги янада оширилади.

Тараққиёт кушандаси бўлган коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим. Сўнгги икки йилда ноқонуний хатти-ҳаракати билан давлатга 2 триллион сўм зарар етказган 1986 нафар мансабдор шахс коррупцияга оид жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилди. 2021-2025 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш миллий стратегияси устида иш олиб борилмоқда.



“Қонун — устувор, жиноятга — жазо муқаррар” деган конституциявий тамойилни амалда таъминлаш учун ҳуқуқ-тартибот идораларининг бор куч ва имкониятлари сафарбар этилади.

2021 йилги давлат бюджетида қандай ўзгаришлар кутилмоқда?

Молия вазирлигида видеоконференция шаклида ўтказилган мажлисда давлат бюджетининг 9 ойлик якунлари бўйича ижроси, “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ҳамда “2021 йил учун солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси Эркин Гадовев, молия вазири ўринбосарлари Аҳадбек Хайдаров, Дилшод Султонов ва бошқалар давлат бюджетига доир масалалар ҳамда айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бора-сида амалга оширилган ишлар ҳақида гапирди.

Йигилишда молия вазири ўринбосари Аҳадбек Хайдаров давлат бюджетининг 9 ойлик якунлари ҳамда 2021 йилги давлат бюджети тўғрисида атрофлича маълумот берди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг

9 ойида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари 94,5 триллион сўмни ташкил этган. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 15,3 триллион сўмга кўндрди.

— Жорий йил учун давлат бюджети харажатлари 131,1 триллион сўм микдорида, шундан республика бюджети харажатлари 95,7 триллион сўм ҳамда маҳаллий бюджетлар харажатлари 35,4 триллион сўм микдорига тасдиқланган эди, — деди А.Хайдаров. — Бироқ коронавирус пандемиясининг тарқалиши, карантин чораларининг қўлланилиши ва баҳор мавсумида эш берган табиий офат ва техноген авариялар давлат бюджети харажатларига жиддий ўзгаришлар киритди. Шунингдек, республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга 2020 йил 9 ойида 79 триллион сўм маблағ ажратилиб, амалга оширилган харажатлар эса 75

триллион сўмга ёки аниқланган режа-га нисбатан 95 фоизга ижро этилди.

Мажлисда “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 83-моддасига мувофиқ ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Келгуси йил учун мўлжалланган давлат бюджетини ишлаб чиқишдаги ўзгаришларда мамлакат ҳудудлари-да ўрганилган таклифлар инобатга олинган. Хусусан, унда 2021 йил учун мўлжалланган бюджет маблағларини ишлаб чиқишда ижтимоий нафақага муҳтож оилаларга алоҳида эътибор қаратилади. Уларга ижтимоий нафақа бериш тартиблари энгиллаштирила-ди.

— Масалан, келгуси йилда дав-лат дастурлари ижроси бўйича маб-лағлар ажратиш масаласи янада тизимли ташкил этилади, — деди А.Хайдаров. — Дейлик, соғлиқни сақлаш тизимида, онкологик касал-ликлар дастури бўйича 126 милли-ард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Соғлиқни сақлаш тизими-нинг барча тадбирлари учун 4 трил-лион сўм, коронавирусга қарши ку-рашиш ва вакцина учун 3 триллион сўм маблағ йўналтирилади. Бундан ташқари, мактабгача таълим, халқ таълими, ўрта махсус ва олий таъ-лим соҳалари ривожига йўлдош маб-лағлар белгиланди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, таҳлиллар нати-жасида мамлакатимизда истиқомат қилаётган 440 нафардан ортиқ чин етимни уй-жой билан таъминлаш

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН ҲАМКОРЛИГИ МАМЛАКАТЛАРИМИЗ РАҲБАРЛАРИ ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН МУСТАҲКАМ ВА БАРҚАРОР ПОЙДЕВОР ТУФАЙЛИ УЛКАН САЛОҲАТ ВА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАРГА ЭГА

▶ Бошланиши 1-бетда

Мазкур ҳужжат сиёсий, иқтисодий, маданий-гу-манитар соҳаларда кўп қиррали самарали ҳам-корлиқни жадаллаштириш имкониятларини кен-гайтирди. Дўстона муносабатларнинг кўп асрлик анъаналарига содиқ қолган ҳолда, Ўзбекистон ва Ҳиндистон бугун давлатлараро ҳамкорлиқни си-фат жиҳатидан янги поғонага олиб чиқишга ўзаро қизиқиш билдиarmoқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди халқро ва минтақавий тадбирлар доирасида мунтазам тарзда учрашувлар ўтказади.

Давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев 2018 йил 30 сентябрь — 1 октябрь кунлари Ҳиндистонга дав-лат таширфини амалга оширди. Мазкур таширф доирасида савдо, иқтисодиёт, сайёҳлик, таълим, хавфсизлик ва фармацевтика соҳаларидаги ҳам-корликка оид 17 та битим имзоланди. Олий да-ражадаги музокаралар чоғида барча соҳаларда-ги ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича келишувга эришилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 17-18 январь кунлари асосий меҳмон сифатида “Жўшқун Гужарат — 2019” глобал саммитида қатнашди, дейилади мақолада. Тад-бир доирасида икки мамлакат раҳбарларининг алоҳида учрашуви бўлиб ўтди.

Саммит доирасида умумий қиймати 200 мил-лион доллардан ортиқ бўлган қатор инвестиция ва савдо битимлари имзоланди.

Охириги 2-3 йил давомида Ўзбекистон ва Ҳин-дистон ўртасида барча даражадаги фаол ўзаро алмашувнинг гувоҳи бўлиб турбимиз, дейди эгчи. Шунингдек, сўнгги йилларда мудофаа ва хавфсизлик соҳасида қатор юқори даражадаги таширфлар амалга оширилди. Ўзбекистон мудо-фаа вазири 2018 йил сентябр ойида Ҳиндистонда бўлди. 2019 йил февраль ойида мудофаа соҳа-сидаги ҳамкорлик бўйича қўшма ишчи гуруҳининг биринчи йигилиши ташкил этилди. 2019 йил ок-тябрь ойида Ҳиндистон Бош вазирининг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси ўринбосари ҳам Тошкентга таширф буюриб, ўзбекистонлик ҳамкасблари билан маслаҳатлашувларнинг даст-лабки раундида қатнашди.

Ҳиндистон мудофаа вазири ўтган йил ноябр ойида Тошкентда расмий таширф билан бўлди. Бу сўнгги 15 йил ичида Ҳиндистон мудофаа ва-зирлиги раҳбарининг Ўзбекистонга илк таширфи эди. Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатлари тарихида илк бор қўшма ҳарбий машқлар ўтқа-зилди.

Бундан ташқари, 2019 йил ноябрь ойида Ўзбе-кистон ички ишлар вазири Дехлида ҳиндистонлик ҳамкасби билан учрашди. Вазирлар хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзолади. Мазкур ҳужжат терроризм, уюшган жиноятчилик ва одам савдосига қарши курашда ўзаро ҳамкор-лиқни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мамлакатларимиз ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик, шунингдек, халқаро маса-лаларга доир, жумладан, БМТ ва ШҲТ доираси-даги мулоқот самарали ривожланмоқда.

Пандемия бошланганидан буюн Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўз фуқароларини ҳар икки мамлакат-дан эвакуация қилиш бўйича биргаликда иш олиб бормоқда. Ҳиндистон зарур дори-дармонларни бегараз ердан сифатида Ўзбекистонга тақдим қилди.

Коронавирус пандемиясига қарамасдан ўзаро муносабатлар изчил ривожланишда давом эт-моқда. Турли даражадаги алоқалар видеоконфе-ренция форматида ўтказилляпти. Хусусан, жорий йил 24 август куни икки томонлама шартнома-ларнинг амалий ижросини мувофиқлаштириш ва рағбатлантириш бўйича Ўзбекистон — Ҳиндистон қўмитасининг биринчи йигилиши муваффақи-

ятли ўтказилди. 20 ноябрь куни ташқи ишлар

вазирликлари ўртасида сиёсий маслаҳатлашув-ларнинг навбатдаги раунди бўлиб ўтди. 3 де-кабрь куни савдо ва инвестиция, фан ва техно-логия соҳасида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг 12-йигилиши видеоконференция форматида ташкил этилди.

— Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш тенденциялари минтақа давлат-ларининг Ҳиндистон билан кўп қиррали ҳамкор-лигини чуқурлаштириш учун мисли қўрилмаган имкониятларни очиб беради, — деб таъкидлайди муаллиф. — 28 октябрь куни Афғонистон ишти-рокидаги “Ҳиндистон — Марказий Осиё” ташқи ишлар вазирлар мулоқотининг иккинчи йигилиши онлайн шаклда бўлиб ўтди. Марказий Осиё ва Ҳиндистон вазирлари сиёсий, савдо-иқтисодий, сарможавий, транспорт-коммуникация, сайёҳлик, маданий-гуманитар, экологик ва бошқа соҳалар-даги алоқаларни янада мустаҳкамлаш билан бо-глиқ долзарб масалаларни муҳокама қилди.

Ташқи ишлар вазирлари даражасида Афғонис-тон иштирокида “Ҳиндистон — Марказий Осиё” мулоқотининг яратилиши Ўзбекистон ва Ҳинди-стоннинг қўшма ташаббуси бўлиб, Ҳиндистоннинг минтақа давлатлари билан алоқаларида янги саҳифа очди.

Юқорида қайд этилган ва бўлажак икки томон-лама тадбирлар томонларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада ривожлантириш борасидаги жиддий ниятини яққол намоён этмоқда, деб қайд этилди мақолада.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги йиллик савдо айланмаси ўртача 300 миллион доллардан ошади. Бу, албатта, икки мамлакат салоҳиятини акс эттирмайди. Шу муносабат билан давлат раҳ-барлари яқин келажақда ўзаро савдо ҳажмини камидя 1 миллиард долларга етказишни мақсад қилган.

Ҳиндистонлик сармоядорларнинг Ўзбекистон-га қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Хусусан, ах-борот технологиялари, фармацевтика, соғлиқни сақлаш, меҳмонхона инфратузилмаси, автомо-биль бутловчи қисмлари ишлаб чиқариш, олий таълим соҳасидаги қўшма дастурларни амалга ошириш каби соҳаларда яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бугунги кунда Ўзбекистонда Ҳиндистон сармояси иштирокида 280 дан ортиқ корхона, жумладан, 100 га яқин қўшма корхона фаолият қуртмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2019 йилдаги махсус фармони билан Ҳиндистон фармацевти-ка компаниялари билан ҳамкорликка йўналти-рилган “Анджон-фарм” эркин иқтисодий зонаси (ЭИЗ) ташкил этилди. Бугун мазкур ЭИЗда қатор хинд фирмалари билан қўшма лойиҳалар амалга ошириш жараёни кетмоқда.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳудудлари ўртасида бевосита ўзаро ҳамкорлиқнинг йўлга қўйилиши ҳам савдо ва сармоявий ҳамкорлиқнинг янада ривожланишига хизмат қилади. Анджон вилояти ва Гужарат штати маъмуриятлари яқин шериклик алоқаларини ўрнатган. 2019 йил октябрь ойида Ўзбекистонга Гужарат бош вазири бошчилигида-ги нуфузли делегация таширф буюрди ва “Очиқ Анджон” халқаро бизнес-форумида қатнашди. Таширф давомида Анджон ҳаширдаги кўча-лардан бирига Сардор Валлабхайи Пател номи берилди ва унинг ёдгорлиги ўрнатилди. Таъкид-лаш жоиз, икки минтақа ўртасидаги ҳамкорлик самарали механизмга айланиб, минтақалараро ҳамкорликда янги саҳифа очди.

Икки томонлама муносабатларнинг муҳим йўналиши ҳаво транспорти соҳасида ўзаро ман-фаатли ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ҳисоб-ланади. Пандемия бошлангунга қадар “Ўзбекис-тон ҳаво йўллари” Тошкентдан Дехли, Амритсар ва Мумбайга ҳафтасига 12 та рейсчи амалга оши-рар эди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон маданият, таълим,

фан, инновация, техника, соғлиқни сақлаш ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳамкорлиқни янада ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эга.

Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги олий ўқув юртилари Ҳиндистоннинг 10 дан ортиқ олий ўқув юрти, илмий-тадқиқот институти ва маркази билан ҳамкорлик қилмоқда. Фан ва техника соҳасидаги ҳамкорлик ҳам жадвал сўрётларда давом этапти. Ўзбекистон Фанлар академияси-нинг қатор илмий-тадқиқот институтлари Дех-ли, Мумбай ва Пуне шаҳарларидаги академик марказлар билан қўшма илмий-тадқиқот ло-йиҳаларини амалга оширмоқда. Жомия Мил-лия Ислomia университетида ўзбек маданияти ва тили маркази фаолият юритиб келади. Ана шундай марказлар Дехли университети ва Жа-вахарлал Неру университетида очилиши режа-лаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига мувофиқ Тошкентда Амити уни-верситетининг филиали очилди ва у 2019 йил сентябрь ойида ўз илмий дастурини ишга ту-ширди. Олий билим маскани ахборот техно-логиялари соҳаси учун малакали кадрлар, шу жумладан дастурий таъминот ишлаб чиқувчи-лар, сўний интеллект ва АКТ бошқарув соҳа-си бўйича мутахассислар тайёрлайди.

2019 йил октябрь ойида Анджионда Ҳин-дистоннинг яна бир олий ўқув юрти — Шарда университетининг филиали иш бошлади. У электротехника, ахборот технологиялари ва киберхавфсизлик, компьютер тизимлари, элек-троника ва бошқа соҳаларда мутахассислар тайёрлайди.

Айни пайтда Ҳиндистоннинг яна қатор олий ўқув юртлири билан ҳам Ўзбекистоннинг бош-қа ҳудудларида ишларин шўъбаларини очиш бўйича иш олиб боришмоқда. Ўзбекистон эл-чиси мамлакатимиз тарихида илк бор хорижда — Ноида шаҳридаги Ҳиндистон халқро уни-верситетида Абу Али Ибн Сино номидаги Бухо-ро давлат тиббиёт институти филиали ташкил этилганини алоҳида таъкидлаган.

Маданият соҳасидаги мулоқот икки томон-лама муносабатларимизнинг муҳим асосини ташкил этади. Тошкентда Ҳиндистон мада-ний маркази мавжуд бўлиб, унинг 25 илли-ги яқинда нишонланди. 2018 йилдан бошлаб Анил Шастри раҳбарлигидаги “Ҳиндистон — Ўзбекистон” дўстлик жамияти ва Сандип Марв раҳбарлигидаги Ҳиндистон — Ўзбекис-тон кино ва маданият форуми фаолият юри-тиб келади.

Ўзбекистон жорий йил 1-16 февраль кун-лари Фаридоҳдада ўтказилган дунёдаги энг йирик фестиваллардан бири — “Surajkund International Crafts Mela”да ҳамкор мамлакат сифатида қатнашди. Ўз навбатида, Ҳинди-стоннинг олий даражадаги делегациялари Ўзбекистонда ўтказиладиган шу каби фести-валларда мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик устувор йўна-лишлардан бири бўлиб, у пандемиядан кейинги даврда янги-янги марраларни забт этиши лозим. ЮНЕСКО маданий мерос рўйха-тига киритилган Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабзнинг муҳташам меъморий обида-лари, сўлим табияти ва иқлими, шунингдек, ўз-бек халқининг меҳмондўстлиги ҳиндларни чин дилдан қизиқтиради.

Шубҳасиз, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкам ва барка-рор пойдевори — кўп асрлик дўстлик, ўзаро ишонч ва англашув туфайли улкан салоҳият ва кенг имкониятларга эга, — дея хулоса қилади Ўзбекистон элчиси.

“Дунё” АА.
Дехли

Муносабат

БИРДАМЛИГИМИЗ ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ РАМЗИ

▶ Бошланиши 1-бетда

Улар асосида амалга оширилаётган ислохотлар эса ҳамюртларимизнинг ҳаёти кун сайин фаровон бўлаётганида, уларнинг сиёсий ва ижтимоий онги юксалиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда Бош қонунимиз янги Ўзбекистон-да амалга оширилаётган бунёдкорлик жараёнла-рининг энг улуғ тисмолига айланди. Жумладан, жорий йилнинг ўзида Конституциямизда мус-таҳкамлаб қўйилган кўплаб нормаларни амалга оширишга қаратилган бир қатор ўзгаришлар содир бўлдики, уларни юртдошларимиз ийллаб кутган, орзу қилган эди.

Давлатимиз раҳбари Конституция куни муно-сабати билан йўллаган байрам табригида бу ху-сусда алоҳида тўхталди. Жумладан, узоқ вақт фуқароликка эга бўлмай келган инсонлар бугунги кунда ўзларини тўлақонли Ўзбекистон фуқаро-лари, деб ҳис этаётгани алоҳида таъкидланди. Жумладан, ўтган йигирма беш йилда 482 нафар шахсга фуқаролик берилган бўлса, бугунги кунда 50 мингдан зиёд киши шу ҳуқуққа эга бўлгани, бу эса бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқа-ролиги бўлмаган инсонлар сонини камайитиришга қаратилган қақирғиига муносиб жавоб экани қайд этилди.

Бу жиҳат байрам табригида тилга олингани бе-жиз эмас. Чунки, жорий йилда мамлакатимизда бу йўналишда муҳим қадам қўйилди: “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қо-нун янги тахрирда қабул қилинди. Мазкур муҳим ҳужжат мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркин-ликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида қўйилган тарихий қадамдир. Президен-тизмизнинг ташаббуси билан амалга ошаётган бу ҳуқуқий нормалар халқимизнинг демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, ин-сонпарварлик тамойилларга амал қилинишнинг яққол кўриниши бўлди.

Шуниси эътиборлики, 1991 йилдан 2020 йил-нинг февралигача 11 647 нафар фуқаролиги бўл-маган шахс Ўзбекистон Республикаси фуқароли-гига қабул қилинган бўлса, шуларнинг 96 фоизга яқини (11 165) 2016 йилнинг декабридан жорий йилнинг феввали оралиғида Ўзбекистон фуқаро-си бўлиш шарафига мурасар бўлди. Мазкур қонун туфайли эндиликда 50 минг нафарга яқин фуқа-ролар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олади.

Ушбу қонун фуқаролик соҳасидаги маъму-рий тартиб-таомилларни янада соддалашти-

ОШКОРАЛИК АДОЛАТ МЕЗОНИ АСОСИДА ҚУРИЛАДИ



Холмурод САЛИМОВ,
Ўзбекистон журналистлари ижодий
уюшмаси раисининг ўринбосари

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Конститу-циямиз қабул қилинганининг 28 йиллиги муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табригида “Ўт-ган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфаси, одамларнинг дун-ёқараши бутунлай ўзгаргани, ҳар бир юртдошимиз мамлакатимизнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўша-ётгани Бош қомиссимизнинг ҳаёتبўхш қудрати ва улкан салоҳиятидан далолат беради”, дея алоҳида таъкид-ланди.

Шу ўринда, давлатимиз раҳбари томонидан кўрса-тилаётган эътибор туфайли миллий матбуотимизда ҳам кескин бурилишлар, ўзгаришлар даври бошланга-нини айтиб ўтиш жоиз. Бугунги оммавий ахборот воси-талари бундан 4-5 йил олдинги даврдан тубдан фарқ қилади. Шафдорфлик, очилиқ тамойилига асосланган сўз эркинлиги, ошоралик журналистларимизнинг ўз-ларига бўлган ишончини оширмоқда.

Оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган ижодий ходимлар давлат билан халқ ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини талаб даражасида бажариш-га масъул. Айни дамда ошоралик адолат мезонла-ри асосига қурилиш лозимлиги ҳар қанонгидан ҳам аҳамиятли эканини ҳисобга олсак, матбуот, ОАВ ахли зиммасига нечоғлиқ улкан масъулият юкланганини ан-глаш қийин эмас.

Бугун юртимиздаги оммавий ахборот воситалари, яъни, газета ва журналларда, телерадиоканаллар-да, ижтимоий тармокларда фаолият олиб бораётган журналистларимиз анча эркин иход қилмоқда. Бу ҳам мамлакатимизда Конституцияда баён этилган инсои ҳуқуқлари ҳимояси амалда ўз исботини топаётгани-дан далолатдир. Ҳамкасбларимиз авваллари мақо-ла ёзиш, эшиттириш тайёрлаш ҳамда тасвирга олиб телезранда намойиш этиш иложи бўлмаган мавзу ва ҳолатлар ҳақида эндиликда бемалол материаллар тайёрлаб, эълон қилаётди. Камчилик ва муаммоларни кўрмасдан кўтариб қичмоқда. Энг муҳими, юзага кел-

риш, соҳада самарали ва тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунчилик базасини яратиш, шахс-ларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролиғи-ни олиш ва бекор қилиш борасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий асоси бўлди.

Инсон ва давлат ўртасидаги барқарор ҳуқуқий ўзаро боғлиқлиқни белгиловчи бу қонунда Ўзбекис-тон Республикаси Конституциясининг 5-бобида белгиллаб қўйилган нормалар ўз аксини топди.

Давлатимиз раҳбари байрам табригида урғу берган яна бир жиҳат Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулк сотиб олиш билан боғлиқ чекловлар бекор қилингани туфайли 40 мингдан ортиқ фуқаро пойтахт минтақасида сотиб олган уй-жойларини ўз номига расмийлаштира олган-лиги бўлди. Айтиш жоизки, бу чекловлар асосан прописка билан боғлиқ аввал амалда бўлган қо-идаларга бориб тақалар эди. Жорий йилда қабул қилинган “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахс-лар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари то-ифаларининг рўйхати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида” ги қонунга биноан, бу тўсиқлар тўлиқ бартараф этилди. Натижада прописка тизи-мида самарали ва тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунчилик базаси яратилди. Қолаверса, фуқаро-лик соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, Ўзбекистон Республи-каси фуқароларининг республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш борасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий меха-низмлари ҳам мустаҳкамланди.

Статистик маълумотларга кўра, мазкур қонун қабул қилингандан сўн 2020 йилнинг 22 апрели-дан 1 декабригача 32 373 нафар фуқаро Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан уй-жой сотиб олган.

Эндиликда қўшимча қўлайликлар яратиш мақ-садида фуқароларга нафақат биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари яшаб турган манзилга, балки уларнинг эгалигида бўлган бошқа манзил-даги уй-жой майдонига ҳам доимий рўйхатга ту-риш имконияти пайдо бўлди.

Аслида, биргина жорий йил давомида бу каби мамлакатимизни демократлаштиришга қаратил-ган кўплаб қадамлар қўйилди. Уларнинг ҳар бири одамлар бахти, фаровонлиги, орозулари рўёбига қаратилган. Шундай экан, бирдамлигимиз, ҳам-жиҳатлигимиз тисмоли бўлган ҳар бир миллий байрамимиз қалбимизда шукроналик туйғусини кучайтираверади.

ган айрим муаммоларга ечим топилишида қўмакла-шиш, жамоатчилик назорати таъминланишига ҳисса қўшаётди.

Албатта, буларнинг барчаси мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини таъминлашга жиддий эъти-бор қаратилаётганининг самарасидир. Аммо бу бо-рада соҳа вакилларининг ҳаммаси ҳам берилган сўз эркинлигидан тўғри фойдаланяпти, дея оламиймиз. Айрим журналист ва блогерлар томонидан соҳага оид қонунчилик, Ўзбекистон журналистларининг касб эти-каси кодекси талаб ва нормаларига риоя қилмаслик ҳолатлари учраб турибди.

Шу боис, Уюшмамиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган тадбирларни узулқисз ўтказишни режа-лаштирган. Шу мақсадда ташкилотимиз қошида Ўзе-кистон журналистларининг касб этикаси кодекси бўйи-ча жамоатчилик кенгаши ташкил этилди. Ҳозирда ҳар бир вилоятдаги бўлимларимиз қошида ҳам бошланчй кенгаш фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Ўтган ҳафтада “ОАВ орқали шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказилгани, тухмат ёки ҳақорат қилинганлигидан ҳимояланмиш (матбуот ва ин-тернет нашрлари мисолида) масалалари” мавзусида ҳуқуқий журналистика кенгашиимиз ўтказган давра суҳ-батига ҳар бир ҳамкасбимизда бўлиши зарур бўлган “Журналист этикаси” китобчасини нашрга тайёрлашга келишиб олинди. Бу борада тажрибали юрист

Ислоҳотлар амалда

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ, МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Бошланиши 1-бетда

— Бу йил дунё халқлари учун синовли давр бўлди. Коронавирус пандемияси иқтисодиётга, турмуш тарзимишга, жумладан, меҳнат бозорига ҳам салбий таъсир ўтказди, — деди Н.Хусанов. — Бундай мураккаб шароитда аҳолини иш билан таъминлаш билан боғлиқ муаммолар сезиларли кўпайди. Бу инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат. Олдимизда жуда катта вазифалар, мажбуриятлар турарди. Шу маънода, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги вазифалари доираси кенгайтирилди, меҳнат бозорини тартибга солиш, ватандошларимизни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир муаммоларни ҳал қилиш учун жавобгарлигимиз ошди.

Бу масалалар давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлди. Барча ҳаракатлар аҳолини иш билан таъминлаш, уларга моддий кўмак беришга қаратилди. Қатор фармон ва қарорлар, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Президентимиз жорий йил 18 майда “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон ҳамда “Томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорга имзо чекди. Кўп ўтмай, 11 августда “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 15 сентябрда “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлар қабул қилинди.

Бу ҳужжатлар асосида меҳнат бозорининг самарали механизмида жорий эътибор, аҳолининг ишбилармонлиги

марҳамат” марказларида тадбиркорликка ўқитиб келинмоқда. Бундан ташқари тажриба сифатида маҳалларда ташкил этилган касб-хунарга ўқитиш марказларида 6 мингдан ортиқ хотин-қизни ҳудуд хусусиятидан келиб чиқадиган ва мураккаб бўлмаган ҳаётий зарур касбларга, тадбиркорлик кўникмаларига, тил ўргатишга ўқитиш мақсад қилинган.

Ешлар ва хотин-қизлар хунараманд сифатида рўйхатдан ўтиши, қолаверса, фаолият олиб борадиган жойларининг ижара тўловлари учун субсидиялар ажратиш кўзда тутилган. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган, бироқ бунинг учун етарли маблағга эга бўлмаган фуқароларимиз учун эса Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан имтиёзли кредит маблағлари ажратилади.

Тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсизлар, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларимиз якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиши, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиши, тадбиркорликка ўқитиш ва кредит олишида суғурта полиси тўловига сарфланадиган маблағлар субсидиялар ажратиш орқали қўллаб берилди.

— Давлатимиз раҳбари 8 октябрь куни жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаи юзасидан ўтказган видео-селектор йиғилишида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига Касб ва лавозимлар классифика-торида олий маълумот талаб қиладиган мутахассисликлар ва лавозимларни қисқартириш вазифасини ҳам қўйган эди. Бу борада ишлар бошландими?

— Бу топшириққа мувофиқ, Президент Администрацияси билан биргаликда хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касб-ла-

ра-тадбирларини бошладик. Чет давлатга тил билиб, аниқ йўналтирилган касб эгаси бўлиб бориш яхши, албатта. Шу йўналишда давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 17 августда хорижда меҳнат қилаётган фуқароларимизга муносиб шароитлар яратиш ва улар билан тизимли ишлаш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши, шунингдек, юқорида биз таъкидлаган Президент қарорлари муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Хорижий мамлакатларда, хусусан Россияда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон фуқароларини қўллаб-қувватлаш борасида олиб бораётган ишлар яхши самара бермоқда. Россияда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон фуқароларини ташкилий тарзда ишга қабул қилиш ва жалб этиш тизими тақомиллаштирилиб, бугунги кунда бу мамлакатга ишлаш мақсадида кетган юрдошларимиз 1,4 миллион, шундан рухсатномага эга фуқаролар сони ўртача 600 минг нафарни ташкил этмоқда.

Шунингдек, 14,6 минг фуқаро ташкилий тарзда хорижий давлатларга ишга юборилди. Ушбу кўрсаткич 2018 йилда 3541, 2019 йилда 4392, 2020 йилнинг шу даврига қадар 6707 нафарни ташкил этган. Жумладан, Россияга 2018 йилда 992, 2019 йилда 1425, 2020 йилда 5724 фуқаро ишга жўнатилган.


Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни хорижда ишлашга мослаштириш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилляпти. Жумладан, хорижга кетмоқчи бўлган фуқароларни касбга ўқитиш бўйича 191 та марказдан иборат тизим яратилди. Шундан, вилоят марказларида 14 та “Ишга марҳамат” мономаркази, 41 та туман ва шаҳарда касб-хунарга ўқитиш маркази, 136 та маҳаллада касб-хунарга ўқитиш масканлари ташкил этилди. Вазирлик ҳузуридаги касб-хунарга ўқитиш марказлари ва масканларда 2 сменалик ўқиш ташкил этилган.

Айни пайтда 8,4 минг ишсиз фуқаро, “темир дафтар”га киритилган оилалар аъзолари касб-хунарга, хорижий тиллар ва тадбиркорлик асосларига ўқитилляпти. Шундан хорижда ишлаш истагида бўлган 4,3 минг фуқаро 13 та касб ва хорижий тилларга ўқитилаётганини айтиб ўқиш жоиз. Энг кўп ўқитилаётганлари — рус, корейс, инглиз тиллари. Россия Федерациясининг Москва, Санкт-Петербург, Екатеринбург, Қозон, Новосибирск шаҳарларида 15 та олий таълим муассасалари ва касб-хунарга коллежларида ўқиш истагини билдирган ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари рўйхати шакллантирилиб, касб-хунарга ҳамда рус тилига ўқитилмоқда.

Ўқиш методикаси РУДН ва “World Skills Russia” уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, натижаси бўйича 3 та ҳужжат — коллеж сертификати, “skills passport”, рус тили бўлиб ўқиганлиги гувоҳномаси берилди. Жорий йил якунига қадар қамда 500 фуқаро Россияда турли касблар ва рус тилига ўқитилиши режалаштирилган.

— Сардоба сув омбори ёрилишидан жабр кўрган аҳолини иш билан таъминлаш бўйича махсус ишчи гуруҳ ташкил этилган. Бу ишчи гуруҳга шахсан ўзингиз раҳбарлик қиласиз. Жараён қандай кечяпти?

— Сардоба сув омбори ёрилишидан талофат кўрган аҳолини иш билан таъминлаш масаласи доимий назоратда. Жорий йилнинг ўтган 10 ойида Мирзаобод туманида 1275, Оқолтин туманида 1124 ва Сардоба туманида 832 ишсиз ва банд бўлмаган фуқаро доимий иш билан таъминланди. Шунингдек, 1 ноябрь ҳолатига кўра, бу ҳудудлардаги 19 минг 58 фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. Республика ишчи гуруҳи томонидан мингдан зиёд ишсиз фуқаро қисқа муддатли курсларда касбга ўқитилди. 1143 фуқарога енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш, уруғ, кўчат ва сугорғи воситалари



ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ, УЛАРНИ ХОРИЖДА ИШЛАШГА МОСЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҲАМ САЛМОҚЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ХОРИЖГА КЕТМОҚЧИ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРНИ КАСБГА ЎҚИТИШ БЎЙИЧА 191 МАРКАЗДАН ИБОРАТ ТИЗИМ ЯРАТИЛДИ. ШУНДАН, ВИЛОЯТ МАРКАЗЛАРИДА 14 ТА “ИШГА МАРҲАМАТ” МОНОМАРКАЗИ, 41 ТА ТУМАН ВА ШАҲАРДА КАСБ-ХУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗИ, 136 ТА МАҲАЛЛАДА КАСБ-ХУНАРГА ЎҚИТИШ МАСКАНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. ВАЗИРЛИК ҲУЗУРИДАГИ КАСБ-ХУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗЛАРИ ВА МАСКАНЛАРДА 2 СМЕНАЛИК ЎҚИШ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.

харид қилиш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ажратилди.

Бундан ташқари Республика ишчи гуруҳи, Сирдарё вилояти ҳокимлиги ва тижорат банклари ҳамкорлигида 2020 йилнинг 4-6 ноябрь кунлари Мирзаобод, Сардоба ва Оқолтин туманларида ишга жойлаштириш ва тадбиркорликка жалб қилиш ярмаркаси ташкил этилиб, унда вилоятнинг барча ҳудудларидан 87 та корхона ва ташкилот 4500 га яқин бўш иш ўрни билан иштирок этди. Уч кунлик тадбирга 1825 иш қидирувчи, шу жумладан, 1011 ёш ва 684 аёл жалб қилинган бўлса, уларнинг 248 нафарига ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди. Шу қаторда 572 нафари касб тайёргарлигига юборилди, 111 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди, 270 нафари субсидия олиш юзасидан рўйхатга олинди, 122 нафари тадбиркорлик қилиш учун кредит олишга истак билдирди.

— Мажбурий меҳнатга барҳам бердик, дея оламизми? Бу, айниқса, пахта йиғим-терими мавсумида кўп кўзга ташланарди. Жорий йилда вазият қандай бўлди?

— Ҳа, пахта терими пайтида бу масалага жиддий эътибор қаратилди. Бу борада ҳукумат томонидан 2020 йилда мажбурий меҳнатга барҳам беришга тўлиқ эришиш мақсадида пахтачиликда давлат буюртмаси бекор қилингани катта аҳамиятга эга.

Жорий йил пахта йиғим-терим мавсумида кластерлар билан биргаликда ҳосилни йиғиб олишда мавсумий ишчиларни жалб қилишнинг бозор талабларига асосланган механизмлари жорий этилди. Бунда, пахта ҳосилни йиғиб-териб олиш мавсумига вилоятлардаги бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан кўнгилли теримчиларни, ишсиз, камбағал, пандемия

уларга пахта даладарига эркин ва тўсиқларсиз кириш имконияти берилди, корхона — ташкилотларга ҳамда пахта даладарига кириш ҳуқуқини берувчи бейжиклар тарқатилди.

Шу билан бирга, пахта йиғим-терим мавсумида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик борасида Халқаро меҳнат ташкилотининг учинчи томон мониторинги, миллий мониторинг ҳамда вазирлик давлат меҳнат инспекцияси томонидан мониторинглар ўтказилди. Бунда, пахта йиғим-терими давомида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ҳамда теримчилар учун муносиб меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш юзасидан қатъий назоратни таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳудуд бўйича сенаторлар, депутатлар, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан алоҳида ишчи гуруҳлар шакллантирилиб, ҳудудларда ўрганишлар олиб борилди.

Мамнуният билан айта оламизки, Ўзбекистонда мажбурий меҳнатга қарши қатъий ва тизимли кураш олиб борилмоқда. Хусусан, ҳукуматимиз пахта теримига фуқароларни сафарбар қилишни камайтириш ва даладарда болалар меҳнатида фойдаланишни тақиқлаш, шу жумладан, пахта терувчиларнинг иш ҳақини ошириш, Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлигини кучайтириш, шунингдек, жойлардаги мансабдор шахслар ва масъулларни мажбурий меҳнатдан фойдалангани учун жавобгарликка тортишда давом этмоқда.

Назаримда, айрим раҳбарлар ҳамон эскича фикрлаётгани сабабли мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатлари учраб турибди. Шунингдек, фуқароларимизнинг ҳам ўз меҳнат ҳуқуқларини билмаслиги, билса ҳам бепарволикка олиб, тегишли равишда мурожаат қилмаслиги мажбурий меҳнатнинг бутунлай йўқ бўлишига тўқинлик қилмоқда. Шу сабабли, бу каби раҳбарлар ҳамда фуқароларимиз ўртасида тушунтириш

— 2020 йил пахта йиғим-терими мавсумида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси томонидан мажбурий меҳнатга қарши кураш бўйича мониторинг тадбирлари олиб борилди. Мониторинг натижаларига кўра, республикаимизнинг айрим ҳудудларида кузатилаётган мажбурий меҳнат ҳолатлари бўйича Давлат меҳнат инспекцияси томонидан кескин чоралар қўрилди ва бу жараён давом этмоқда.

Бугунги кунга қадар Давлат меҳнат инспекциясига мажбурий меҳнат ҳамда меҳнат ҳуқуқлари бузилишига оид 790 мурожаат келиб тушган. Шундан, call-марказ орқали 461, веб-сайт орқали 15, ижтимоий тармоқлар орқали 113 мурожаат келиб тушган, 201 ёзма ариза қайд этилган. Энг асосийси, фуқаролардан шахсининг сир сақланиши кафолатланган ҳолда мурожаатлар ҳам қабул қилиниб, ўрганилди. Хусусан, жойларда 3048 дан ортиқ ташкилот, фермер хўжалиги ва кластерларда ўтказилган мониторинг натижасида меҳнат муносабатларига риоя қилиниши юзасидан 173 мансабдор шахс маъмурий жавобгар бўлди. Бунда, мажбурий меҳнатга жалб этиш ҳолати юзасидан 46 мансабдор шахсга маъмурий жараима қўланилди, банд бўлмаган аҳолини теримга жалб қилиш, теримчилар учун муносиб меҳнат ҳамда дам олиш шароитларини яратиш, терим пулларини ўз вақтида ва белгиланган меъёрларда бериш масалалари юзасидан 127 мансабдор шахс Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси бўйича жавобгарликка тортилган.

Ўтказилган мониторинг давомида 550 дан ортиқ фуқаролар билан тегишли шартномалар расмийлаштирилмагани аниқланди. Бунда нафақат фермер хўжаликлари ва кластерлар раҳбарлари, балки фуқаролар билан ҳам тушунтириш ишлари олиб борилди ҳамда тегишли шартномалар тузилди. 53 ҳолатда айбдорларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилди.

Шунингдек, жойлардаги 17 фермер хўжалиги ва кластерда терим пуллари ўз вақтида берилмаган 410 дан ортиқ фуқарога 173 миллион сўмдан ортиқ кунлик иш ҳақи тўлаб берилиши таъминланди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда меҳнат муносабатларида ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда, очиқлик ва шаффофлик тизимига ўтилган. Аҳоли ҳам бу борада ўз ҳуқуқларини англаб етаяпти. Бандликни таъминлаш масаласида ҳам йirik лойиҳалар амалга оширилмоқда ва бу ишлар кейинги йилларда янада қизғин давом этади.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Улуғбек АСРОРОВ суҳбатлашди.



фаоллигини ошириш, камбағал ва ишсиз фуқароларни доимий даромад кептирадиган тадбиркорликка жалб қилишнинг янги қирралари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Фуқароларни замонавий тадбиркорлик кўникмаларига ўргатиш, ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги ваколатли органлар фаолиятини тақомиллаштириш, чет элда ишлашни истоган шахсларни касблар бўйича ўқитиш, хориждаги юрдошларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қайтиб келган меҳнат мигрантларини иш билан таъминлаш ҳам эътибордан четда қолмади.

Бир сўз билан айтганда, жаҳон миқёсида юз бераётган жараёнлар ва ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда меҳнат бозори ва меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий базасини тақомиллаштириш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди.

— Бандлик ҳақида гап кетганда, алоҳида дастурлар ишлаб чиқилганини ҳам айтиш жоиз. Аслида бу давлат дастурларида ҳам ўз аксини топиб келади. Президентимиз ташаббуси билан “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари” шакллантирилди. Ишсиз юрдошларимизни, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш чоралари кўриляпти. Ҳозир бу тизим қандай ишляпти, янги режалар борми?

— Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ишсиз юрдошларимиз, хусусан, хотин-қизлар ва ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида улар “Ишга

Халқаро анжуман

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Ғулом МИРЗАЕВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг матбуот хизмати раҳбари

“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган изчил сиёсат жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда”.

Ушбу фикрлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 28 йиллик байрами муносабати билан йўллаган табригида янгради.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан ташкил этилган “Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари” мавзuida туркум халқаро тадбирларнинг расмий очилиш маросими давлатимиз раҳбарининг табригида таъкидланган ана шу эътирофлар, энг муҳим далил ва рақамлар тахлили ҳамда талқинидан бошланади.

Онлайн ва офлайн шаклларда ўтказилган ушбу тадбирлар Халқаро инсон ҳуқуқлари кунига бағишланди. Тадбирларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги Лойиҳалари мундоқлаштирувчиси, элчи Жон МакГрегор кириш сўзлари билан очди.

Бундан 72 йил муқаддам — 1948 йил 10 декабрь куни Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган. Мазкур муҳим сана ҳар йили бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам Халқаро инсон ҳуқуқлари кунини сифатида нишонланади.

Жараён

ТИЛСИЗ ЁВ БИЛАН КУРАШИШДА ТАНАФФУС БЎЛМАЙДИ

Соҳиба МУЛЛАЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Халқимизда “Фалокат — оёқ остида” деган нақл бор. Ҳақиқатин ҳам, кундалик ҳаётимиз хавф-хатарга тўла. Техник ёки техноген, аҳолининг иситиш тизимларидан бетартиб фойдаланиши, электр истеъмолининг кескин ошиб кетиши каби сабаблар билан биз кутмаган вақтда, кутилмаган жойда ёнгин чиқиш мумкин.

Бундан иттиҳизга ва соғлиғимизга зиён ҳам етди. Бутун республика бўйлаб узатувчи подстанцияларда чиққан ёнғидан эса, иқтисодийнинг талофат кўриш эҳтимоли бор.

“Тошкент магистрал электр тармоқлари” корхонаси томонидан Юкюри Чирчиқ туманида жойлашган “Тошкент-500” подстанциясида ўтказилган ўқув машғу-

лотидан ана шундай фикрларга алоҳида урғу берилди. “16 ноябрдан 16 декабргача ёнгин хавфсизлиги кўрик ойлиги” доирасида бўлиб ўтган тадбир аввалида турли тоифадаги ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларни бартараф этишда ишчи-ходимларнинг ҳаракатланиши, унда кўрсатиладиган биринчи ёрдам каби мавзуларда тушунчалар берилди. Шундан сўнг сўнъий равишда чиқарилган ёнғин Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ҳамда подстанция ходимлари томонидан бартараф этилди.

— Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад, куз-қиш мавсумида содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинлар, хаво-газ аралашмаси оқибатида бўладиган портлашлар, ис гази билан заҳарланиш ҳолатларидан ҳудудлардаги корхона ва ташкилотлар ходимларини огоҳ этиш ва бу каби ҳодисаларда қай тартибда ҳаракатланиш бўйича ўқув-услубий билимлар беришди, — деди “Тошкент магистрал электр тармоқлари” подстанция хизмати бошлиғи Ержан Машенов.

— 1991 йилда фаолиятини бошлаган “Тошкент-500” республикадаги алоҳида аҳамиятга молик энг йирик подстанция-

лардан бири ҳисобланади. 2001 йилдан бошлаб тўлиқ ишлаб бошлаган ушбу объектда бугунги кунда жами 59 нафар ходим меҳнат қилмоқда. 9 йўналишга турли кучланишларда электр энергияси etkazиб берилади. Мазкур подстанция Тошкент вилояти ва шаҳрини электр энергияси билан таъминлайди. Ўқув машғулотини учун ушбу объектнинг танланishiга сабаб, бу сафарги ўқув машғулотларига кўпроқ ишчи-ходимларнинг жалб қилинганидир.



респондент қатнашди.

Шунингдек, ёш авлод билан ишлаш, коррупцияга оид ҳолатлар бўйича ёшлар саводхонлигини ошириш мақсадида Самарқанд, Бухоро вилоятларининг чекка ҳудудларида, Тошкент шаҳридаги умумтаълим муассасаларида ҳуқуқий саводхонлик ва коррупцияга нисбатан муросасизлик бўйича махсус дарслар ўтказилди.

Ҳафталик доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, қатор вазирлик ва идоралар, тижорат банкларида “очиқ эшиклар кунлари” бўлиб ўтди. Шу билан бирга, Олий суд, Давлат божхона қўмитаси, Давлат хизматлари агентлиги, Кадастр агентлиги ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Коррупцияга қарши курашишда фуқаролар фаоллигини ошириш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларидаги марказий кўчалар, аҳоли гажум маканларга коррупцияга қарши курашишга қарловчи икки юздан ортиқ иқтимоий реклама баннери ўрнатилди.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган тантанали тадбир мазкур ҳафталикка яқун ясади. Ушбу маросимда ҳафталик доирасида

иш олиб борилмоқда. Шу билан бирга, камбағаллиқни қисқартириш мақсадида иқтимоий ёрдамнинг янги ва самарали механизмлари жорий этилмоқда.

Айни чоғда, “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади”, деган ғоя асосида умуммиллий таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга мисли қўрилмаган эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси юртимизда Учинчи Ренессанс — миллий тараққиётнинг янги даври пойдеворини яратишга хизмат қилиши тайин.

Таъкидлаш жоизки, кунини кеча АҚШ давлат котиби Майкл Помпеонинг АҚШ Давлат департаментининг расмий сайтида эълон қилинган баёнотида Ўзбекистон махсус кузатувдаги мамлакатлар рўйхатидан чиқарилгани маълум қилинди.

Баёнотда бу қисқа мuddат ичида Ўзбекистон раҳбарияти томонидан қўрилган тезкор ва мақсадли чора-тадбирларнинг натижаси экани қайд этилган. Шунингдек, махсус рўйхатдан чиқишда Ўзбекистон тажрибаси бошқа давлатларга намуна бўлиб хизмат қилиши ҳам таъкидланган.

2020 йил октябрь ойида миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди. Бу ҳам, шубҳасиз, мамлакатимизда юрителиётган очик ва фаол ташқи сиёсатнинг яна бир улкан ютуғидир.

Шундай қилиб, Президентимиз таъбири билан айтганда, “Янги Ўзбекистон” деган ибора халқаро майдонда нафақат янги тушунча, балки реал иқтимоий ҳодиса сифатида қабул қилинмоқда.

Марказининг “Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари” мавзuida ташкил этган тадбирлари доирасида “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўрак нишонини соҳибларини, “Рақамли иқтисодиёт, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тадқиқотлар” танлови ғолибларини тақдирлаш тадбири ўтказилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Малайзия Миллий комиссияси ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Малайзия Миллий комиссияси ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Мазкур корхона тармоқлар орқали электр энергиясини хавфсиз узатишнинг таъминлаш, объектларда давлат стандартларида белгиланган қувватларни меъёрида ушлаб туриш ва технологик сарфни меъёридан кўрсаткичидан ошишига йўл қўймаслик ҳамда электр станциялари ва тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидаларига мувофиқ зиммадаги ишларни ташкил қилиш ва таъмирлашнинг бажариш билан бир қаторда ташкилотларнинг электр энергиясидан фойдаланиш меъёрларига амал қилинишини ҳам назорат қилиб боради. Сабаби, узлуқсиз ишлайдиган бу каби объектларда ишчи-ходимларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билиши, амал қилиши ва огоҳ бўлиши ҳам иқтисодиётда, ҳам аҳолининг тинч ва фаровон ҳаётида муҳим ўрин тутди.

КОРРУПЦИЯНИ БИРГАЛИКДА ЕНГАМИЗ!

Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимизда жорий йилда илк бор 9 декабрь — Коррупцияга қарши кураш халқаро кунини муносабати билан коррупцияга қарши кураш ҳафталиги ўтказилди. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, БМТнинг Гиёхвандлик моддалари ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотини, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, “Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат ташкилоти, Конрад Аденауэр жамғармаси, ЮНИСЕФ сингари қатор давлат, нодавлат ва халқаро ташкилотлар ушбу ҳафталик ташаббускорлари бўлди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг маълум қилишича, мазкур ҳафталик доирасида йигирмадан ортиқ йирик тадбир ва учрашув ташкил этилди. Уларда минг нафардан зиёд қатнашчи, жумладан, эллик нафардан ортиқ халқаро эксперт иштирок этди.

Ҳафталик доирасида маҳаллий ва хори-

ташкил этилган “Коррупцияни биргаликда енгамиз!” танлови ғолиблари тақдирланди. Танлов жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойлари кенгаши, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Бош прокуратура ташаббуси билан ўтказилди. У БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, БМТнинг Гиёхвандлик моддалари ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси ҳамда “Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мазкур танлов аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, ушбу иллатга оид ҳуқуқбузарликларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш йўллари топиш, мазкур жараёнларга медиа соҳаси вакиллари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда кенг жамоатчилиқни жалб қилишда муҳим омил бўлди.

Иштирокчилар “Энг яхши иқтимоий видеоролик”, “Энг яхши журналистик суриштирув”, “Энг яхши тасвирий асар ва

Пресс-тур

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш, сўғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва бошқариш, қишлоқ ва сув ҳўжалигининг энергетика ҳамда автоматлаштириш соҳаларида замонавий энерготежамкор технологияларни қўллаш бугунги куннинг муҳим талабидир.

СУВ САРФИ ОНЛАЙН КУЗАТИЛАДИ



Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бу борада амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида Тошкент вилоятидаги сув ҳўжалиги объекти-ларига пресс-тур уюштирилди.

Иштирокчилар дастлаб Юқоричирчиқ туманидаги Қорасув дарёсининг 133-пикетидаги гидроузелини бориб кўрдилар. Бу ерда сув Болтаарик тармоғи ва Ағанай каналларига бўлинади. Ҳар икки каналда ҳам сув сарфини ўлчаш учун “ақлли сув” қурилмаси ўрнатилган.

— Ушбу гидроузель 1962 йилда фойдаланишга топширилган, — деди Паркент-Қорасув ирригация тизими бошқармаси бошлиғи муовини Иззатилла Исмоилов.

— Болтаарик тармоғи 9 минг 600 гектар майдонга сув etkazиб беради. Умумий сув ўтказиш қобилияти бир дақиқада 23 куб метрни ташкил etmoқда. Ағанай каналининг сув ўтказиш қобилияти эса бир дақиқада 10 куб метр бўлиб, 1 минг 250 гектар майдонни сув билан таъминлайди.

Мутахассислар авваллари сув сатҳини бир суткада уч марта ўлчашга мажбур эди. “Ақлли сув” қурилмаси мобил иловаси ўрнатилганидан кейин сув сатҳи ҳар соатда автоматик равишда ҳисобланадиган бўлди. Бу ҳар қандай об-хаво шароитида инсон омилини камайтиради, сув сатҳини жойига бормасдан туриб, масофавий тизимда, қулай равишда ўлчаш имкониятини беради.

Бу қурилма қуёш энергиясидан олинадиган электр токи орқали ишлайди. У бир марта қувват олган, қандай об-хаво кузатилишидан қатъи назар қуввати 3 йилга етади. Қиш кунлари қуёш чиқмаган тақдирда ҳам “ақлли сув” қурилмасида 3 йиллик захира электр энергияси мавжуд бўлади.

— Жорий йилда Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан биргаликда 61 та сув ҳўжалиги объектида сув ресурсларини онлайн мониторинг ва назорат қиладиган ана шундай қурилма ишга туширилди. Йил охиригача уларнинг сонини 150 тага etkazиш кўзда тутилмоқда, — деди Сув ҳўжалиғи вазирлиги ахборот-таҳлил маркази бош мутахассиси Илёс Фозилов.

— 2030 йилга қадар 18 минг 576 та сув сув ҳўжалиғи объектида ана шундай ўлчagичларни ўрнатиш режалаштирилган.

Шундан сўнг журналистлар Тошкент сув омборида ўрнатилган “ақлли сув” қурилмаси билан танишди. Тошкент сув омбори гидротехник иншооти 1962 йилда қурил-

ган. Махсус кўтарма тупроқ тўғон, чап ва ўнг қирғоқ сув чиқаргичлар ва сув ташлагичлар ҳудуднинг ирригация тизимида муҳим ўрин тутиб, ёз кунларида дала-ларни сув билан муттасил таъминлайди. Сув омбори Бўка, Оқўрғон, Ўртачирчиқ, Қўйичирчиқ туманларида сув таъминотини яхшилашга имкон бериши, бу ерда турли балиқлар урчитилиши ҳам ушбу гидротехник иншоотнинг нақадар катта иқтисодий, маданий имкониятларга эга эканини кўрсатади.

— Бу ерда ўрнатилган “ақлли сув” ўлчagич сув сатҳини инсон омилисиз ўлчаш билан бирга, мобил илова ва махсус дастурий таъминот орқали 10 кун аввал тақсимланган сув ҳақида ҳам маълумот бера олади, — деди Тошкент вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси бош механиғи Самандар Ҳолбоев. — Сув сатҳи ҳақидаги маълумот сув олувчи ва берувчи томонга ҳам телефонда бир вақтда аниқ кўринади. Ундаги маълумотлар умумлашган ҳолда вазирлик маълумотлар базасига тушади. Маълумки, сув асосан кўп йиллик таҳлилларга кўра бошқарилади. Шу нуқтаи назардан сув танқислиғи пайтида ҳам уни тўғри тақсимлаш, мониторингини олиб боришда ушбу ақлли қурилманинг аҳамияти катта.

Таъкидланишича, KOICA ташкилоти томонидан ўрнатилган ҳисоблагичлар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ўрганилиб, унинг бир неча тури ишлаб чиқилган ва ҳудудларда синов тариқасида ишга туширилган.

Сув ҳўжалиғи объектиларида фаолият олиб бораётган ходимларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Пресс-тур иштирокчилари ана шу мақсадда сув омбори қошида ташкил этилган балиқчилик, чорвачилик йўналишидаги ёрдамчи ҳўжаликлар фаолияти билан ҳам танишишди. 2,5 сотих ерда ташкил этилган балиқхонада 20 мингдан зиёд африка лақаси етиштирилмоқда. 9 та қорамол, 32 та қўй, 200 дан зиёд паррандани боқишдан келадиган даромад жамoани қўшимча рабатлантиришга йўналтирилган. Сув омборининг муҳофаза зонасидаги тошлоқ ерлар ўзлаштирилиб, қишлоқ ҳўжалиғи экивлари етиштиришда фойдаланилмоқда. Хусусан, жорий йилда 2 гектар майдонга 6 минг туپдан ортиқ терак экилди. Қўчат ораларига дуккакли дон экивлари экилиб, икки марта ҳосил олинди.

Пресс-тур давомида журналистларнинг сув ҳўжалиғи соҳасига оид барча савол-ларига мутахассислар атрофлича жавоб қайтарди.



Янгича ёндашувлар

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТРАНСФОРМАЦИЯ
ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ФАОЛЛАШУВИ

замонавий билим ва ўқитиш технологияларига асосланади



Кўнғиротбой ШАРИПОВ,
Тошкент давлат
иқтисодиёт
университети ректори

Дунёда моддий бойликлардан кўра интеллектуал ресурслар учун рақобат кучайиб бораётган бугунги даврда ҳар бир мамлакатнинг муваффақиятли ривожланишида олий таълим етакчи ўрин тутмоқда. XXI асрда бу йўналиш нафақат ижтимоий ва сиёсий, балки иқтисодий ўсишнинг муҳим омилларидан бирига айланди, десак муболаға бўлмайди.

Таълимнинг кўплаб вазифалари мавжуд. Энг асосийларидан бири миллий ривожланишга ҳисса қўшиш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлашдир. Айниқса, учинчи босқич таълими юқори самарали, мослашувчан малакали ишчи кучини тайёрлаш, янги гоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва тарқатиш орқали иқтисодиётнинг рақобатбардош бўлишига ёрдам беради.

Пандемия шароити туфайли ҳозирги кунда таълим аудиториялар, лаборатория ва кутубхоналардан ташқарида давом эттириляпти. Талабаларнинг масофадан ўқишига тўғри келаётган бўлса-да, бу таълим сифатига салбий таъсир этмапти. Аксинча, рақамли технологиялар фанларнинг мазмуну ва уларни тақдим этиш шаклини тубдан ўзгартирмоқда. Мазкур ҳолат нафақат электрон тақдимотлар ёки видеодан фойдаланиш, балки электрон маълумотлар базаларига тўғридан-тўғри уланиш, янгиликлар, ўтиш форумлари, видеотрансляция, стимуляция тизимлари, электрон тренажёрларни қўллаш имкониятларини оширмоқда. Шу тариқа таълимда трансформация содир бўлади.

Замонавий “трансформация” сўзи адабиётларда “модернизация” атамаси билан бир-бирининг ўрнида қўлланилади. Олий таълимни трансформациялаш долзарб бошқарув муаммоларидан бири бўлиб, университетнинг трансформацияси 3 та вазифа — иқтидорлиларни жамлаш, ресурслар билан таъминлаш, самарали бо-

шқарув тизимига асосланади.

Иқтидорларни жамлаш вазифасини амалга оширишда, аввало, университетларга ҳар бир соҳадан энг юқори илмий кўрсаткичга эга талабаларни танлаш тартибини мустақил равишда белгилашга рухсат бериш лозим. Масалан, Хитойнинг энг яхши Пекин университетида академик изоляция (магистратурага фақат ўз битирувчиларини қабул қилиш ва, асосан, собиқ битирувчилардан профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш) ҳавфининг олдини олиш учун ҳар йили барча провинциялардан 50 нафар энг яхши абитуриент қабул қилинади.

Иккинчи вазифада ресурсларни таъминлаш учун тўртта асосий молиялаштириш манбаини ҳисобга олиш керак. Булар давлат бюджети, давлат ва хусусий компаниялар учун шартнома асосида олиб борилган илмий тадқиқотлардан олинadиган даромад, университетларга ажратилган маблағлардан олинган даромад ҳамда таълим учун тўловларни ўз ичига олади.

Самарали бошқарув тизимини йўлга қўйиш учун эса университетларда эркин рақобат руҳи, чексиз илмий изланувчанлик, танқидий фикрлаш, инновация ва ижодкорлиқни шакллантиришга қўмаклашувчи муҳит ва меҳнат шaroитларини яратиш зарур. Айни пайтда тўлиқ бошқарув автономиясига эга университетлар янада мослашувчан бўлиб бормоқда. Бойси, улар ташқи мажбурий стандартлар билан боғланмагани ҳисобига ўз ресурсларини бошқариш ва тез ўзгарувчан глобал бозор эҳтиёжларига жавоб бериши мумкин. Умуман олганда, маблағларни тақсимлаш, ўқитувчи ва ходимларни ёллаш, уларга иш ҳақини белгиллаш учун ҳар бир университетнинг ўз молиявий автономияси бўлиши лозим.

Бу ўринда олий таълим муассасалари трансформациясига 3 хил ёндашув ҳам

алоҳида аҳамиятга эга. Унда мавжуд университетларни модернизация қилиш, уларнинг бирлашиши ҳамда янги университетларни ташкил этиши назарда тутилди.

Трансформация орқали талабаларда индивидуал ўқув дастурларини шакллантириш имконияти пайдо бўлади. Ўқитувчига ретранслятор сифатида эҳтиёж йўқолади. Унинг вазифаси талабаларга катта ҳажмдаги маълумотни бошқаришда ёрдам беришдан иборат бўлади. Истеъмолчиларни таълимга ундашга зарурат туғилади. Амалий машғулотларни ўтказишда ижтимоий тармоқлардан фойдаланилиб, етакчи мутахассис ёки эксперт онлайн воситалар орқали дарс ўтади.

КРЕДИТ-МОДУЛ ТИЗИМИ

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида кўра, мамлакатимизнинг камида 10 та университети 2030 йилга қадар халқаро миқёсда тан олинган ташкилотлар рейтингига олий ўқув юртлари рўйхатининг дастлабки 1000 позициясига кириши кўзда тутилган. Бунинг учун, албатта, олий ўқув юртларини ўзини ўзи молиялаштириш тизимига босқичма-босқич ўтказиш, ўқув жараёнига замонавий кредит-модул тизимини жорий қилиш талаб этилади.

2020 йил 6 август кўни Президентимиз раислигида жорий йилда олий таълим муассасаларига қабулни ташкил қилиш ва 2020/2021 ўқув йилига тайёргарлик қўриш юзасидан ўтказилган йиғилишда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, камида 35 та давлат университетида таълим кредит-модул тизими асосида ташкил этилиши белгиланган. Шу муносабат билан жорий йилда нуфузли хорижий университетлар билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг камида 5 та университети трансформация жараёнини бошдан кечиради. Бунда таълимнинг таркиби ва технологиялари яхшиланади, натижада университетлар замонавий таълим бериш ва инновацияларга жорий этишга қодир илмий муассасаларга айлантирилади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, малакали кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, шубҳасиз, ўқув жараёнини қайта ташкил этишдан келиб чиқиши керак. Келгуси таълим тенденцияси рақамлаштириш билан узвий боғлиқ. Бу эса меҳнат бозорини ўзгартиради ва янги ваколатларнинг



пайдо бўлиши учун шароит яратди. Мос равишда кейинги ўн йил олий таълимда муҳим ўзгаришлар даври — рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун янги ўрта синфни шакллантириш ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш асосида ўқув жараёнини қайта ташкил этиш босқичи бўлиши лозим.

Таълимни рақамлаштиришни ислоҳ қилиш уларни замонавий технологиялар — интернет тармоғига уланган компьютерлар, таълим ресурсларидан фойдаланиш имконини берувчи ахборот тизимлари, замонавий илмий изланиш ва ишланмалар натижалари, дунёнинг турли тилларида электрон илмий кутубхоналар билан жиҳозланиш назарда тутади. Таълимнинг рақамли иқтисодиётга асосланган равишда ривожланиши билан соҳада давлатнинг роли пасаяди. Ички ва жаҳон бозорларида рақобатбардош таълим хизматларининг янги етказиб берувчилари пайдо бўлиши учун шароит ва талаблар яратилади. Битирувчиларнинг истиқболли касб ва малакаларини аниқлаш учун

иш берувчилар билан самарали ўзаро алоқаларни ўрнатиш университетларнинг асосий вазифаларидан бирига айланади. Фаол ва инновацион ОТМлар таълим бозорига кириб, махсус курсларни тақриф этиши ҳам мумкин.

Бугунги кунда дунёдаги университетларнинг таълим ва тадқиқот фаолияти энг нуфузли, халқаро миқёсда тан олинган Times Higher Education World University Rankings (Буюк Британия) ва QS World University Rankings (Буюк Британия) каби тизимларда баҳоланади. Университетлар рейтингига асосан таълим ва илмий тадқиқот фаолиятдан келиб чиқувчи кўрсаткичларга асосланилади, таълим сифати, халқаро алоқалар, сўнгги 5 йил натижалари таҳлил қилинади. Олий таълим тизимидаги ислохотлар натижасида 2019 йилда Ўзбекистон университетлари — Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти QS World University Rankings for Eastern Europe and Central Asia (EECA) рейтингига илк бор 301-350-ўринларни, 2020 йилда

Ўзбекистон Миллий университети Times Higher Education World University Rankings рейтингига 601-ўринни, Тошкент тиббиёт академияси 301-400-ўринни ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 201-ўринни эгаллади.

2019 йилда Digital Commons платформаси асосида “Elsevier” компанияси билан ҳамкорликда “Uzbekistan Research Online” рақамли платформаси ишга туширилди. У илмий мақолаларни олий таълим муассасалари таълим журналида икки даражали ёпиқ рецензиялаш имкониятига эга.

Бугунги кунда мазкур платформага жойланган журналлардаги 4 893 та илмий мақоланинг матнли файллари дунёнинг 116 мамлакатидagi таълим ва илмий тадқиқот ташкилотлари томонидан фойдаланиш учун 66,6 минг марта юклаб олинган. Буни Ўзбекистон илмий журналларини халқаро ҳамжамият томонидан тан олинишидаги муҳим натижалардан бири сифатида баҳолаш мумкин. Олий аттестация комиссиясининг бу платформадаги журналларда нашр этилган мақолаларини инглиз тилида халқаро илмий журналлардаги мақолалар билан тенглаштириш борасидаги қарори эса ёшларимиз, айниқса, докторлик диссертациялари устиди иш олиб бораётган тадқиқотчиларга хорижий наشرларда мақолаларни чоп этиш муаммосини ҳал этишда аjoyиб имконият яратди.

Бундай лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳар бир алоҳида минтака чўқур таҳлил ва ечим излаши кифоя. Кўпчилигимиз ҳавас қиладиган жаҳон даражасидаги университетлар учун ягона рецепт ёки сеҳрли формулалар мавжуд эмас. Шунчаки ҳар бир давлат турли ривожланиш усулларидан айнан ўзининг салоҳияти ва ресурсларига мос келувчи тўғри стратегияни танлай билиши керак, холос. Ўзбекистон ҳам бу борада ўзи танлаган энг тўғри ва самарали йўлдан бормоқда.

Мулоҳаза



Муҳаммад ВАЛИ

Ўтган бир йил ичида она тилимизга эътибор масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани барчамизни мамнун қилмоқда. Шундай юксак муносабатнинг бир кўриниши сифатида Президентимизнинг бу йилги Ўзбек тили байрами куни арафасида эълон қилинган “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, бир неча лугат нашр этилиши режалаштирилмоқда. Чоп этиладиган лугатлар орасида “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” ҳам бор. Бу йил тузатилган иккинчи наشري босмадан чиққан мазкур лугатнинг яна қайта чоп этилиши кўнглимизда пайдо бўлган мулоҳазаларни ёзишга ундади. Зеро, мактабларда ўқитиладиган она тили дарсларида лугат билан ишлаш жараёнига кенг ўрин ажратилган. Ўқитувчи ва ўқувчи машғулот пайтида “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”га кўпроқ мурожаат қилиши турган гап. Ўз-ўзидан аёнки, лугат ўқитувчи ва ўқувчи учун зарур манба ҳисобланади. Дейлик, иншо ёзар экан, ўқувчи изоҳли лугатга суянади ва иншони текшириш мوبайнида ўқитувчи ҳам шу йўлдан боришни даркор. Хўш, ўзбек тилининг изоҳли лугати шундай ишонч-суянчга муносибми?

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТНИ ТЎЛДИРИШ ЗАРУРАТИ

БАҒРИКЕНГЛИК:
“ЗАПОВЕДНИК”ДАН
“ХОЛОДИЛЬНИК”ГАЧА

Саноат ва фан-техника тараққиёти таъсирида ўзбек тилига завод, фабрика, трактор, машина, поезд, автомат, метро, компьютер, телефон каби юзлаб, ҳатто минглаб сўзлар ўзлашди. Она тилимизда муқобили йўқ бу сўзларни маънавий бойлигимиз сифатида кадрлаймиз ва уларнинг барча турдаги лугатлардан ўрин олиши табиий ҳол. Шу тариқа ўзбек тилининг лугат бойлиги кўпайиб боради ва ҳар биримиз бу воқеаликка эмин-эркин муносабатда бўлишимиз даркор. Афсуски, мазкур ижобий ривожланиш билан бир қаторда шўро тузуми даврида она тилимиз тараққиётда айрим муаммолар юзга келди. Жумладан, она тилимизда вилоят, туман, захира, гуруҳ, котиб, ҳакам, ҳайдовчи, шифокор, режа, ҳисобчи, иқтисодчи, шартнома, бюуртма, уста, мурабийи каби сўзлар бўлгани ҳолда мажбурий равишда область, район, запас, группа, секретарь, судья, шофёр, врач, план, бухгалтер, экономист, договор, заказ, мастер, тренер каби русча-байналмилал сўзлардан фойдаланишга одатландик. Шўро тузуми даврида чоп этилган икки жиддлик “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” 2006–2008 йилларда беш жилдлик кўринишда босмадан чиқди. Албатта, бундан барчамизнинг бошимиз кўкка етди. Она тилимизга эътибор туфайли “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” орузмиздаги каби нашр этилди. Ушандан буён бу ноёб нашр кўпчилиكنинг столи устида туради. Айниқса, ўқитувчи ва ўқувчилар ундан кўп фойдаланади. Аёнки, йиллар давомида мунтазам фойдаланиш оқибатида бу лугат нашридаги хато ва камчиликлар кўзга ташланди. Бироқ дастлабки кўламдор иш сифатида лугатдаги муаммолардан кўз юмдик ва бу муаммолар лугатнинг қайта нашрида тузатилишидан умидвор бўлдик. Мана, кўпчилик оруз қилган ва тузатилган қайта нашр босма-

дан чиқди. Кўзни қувнатадиган, дилни яйратадиган даражадаги муқоваларда жамланган “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”ни мароқ билан varaқлашга киришамиз. Vарақлаймиз, vарақлаймиз ва аста-секин биздаги мароқ камаяди. Нера? Ушбу саволнинг жавобини лугатдан олинган сўзлар изоҳлайди. Мисол сифатида келтириладиган сўзларга алоҳида эътибор қаратинг: водо-воз, водопровод, водоканал, грузовик, завхоз, заповедник, заповка, заправка, катаяса, критерий, ксерокопия, куратор, кружок, кондиционер, конвой, кризис, маска, планировка, уборщица, музыка, музыкант, холодильник.

Биз юқорида шўро тузуми даврида фавул шакллалган ва ўзбекча муқобили мавжуд русча-байналмилал сўзлардан мисол келтиргандик. “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” тузатилган нашридан она тилимизда муқобили мавжуд ўша русча-байналмилал сўзлар ўрин олмайди, деб ўйлагандик. Аммо лугатнинг тузатилган янги нашрига ҳам область, район, секретарь, план, экономист каби русча-байналмилал сўзлар киритилди. Бунга қандай тушуниш керак? Демак, иншо ёзаётган ўқувчи “режа” сўзи ўрнида “план”дан фойдаланса, ўқитувчи бу хоплати хато санамайдими? Тушунишимизча, бундай ҳолатда ўқувчи ҳақ бўлиб чиқади. Негаки, у манба сифатида асосий нашрга асосланади-да!

Халқимиз дунёда бағрикенглиги билан танилган. Борингки, бағрикенгмиз ва “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”га ҳам шундай муносабатда бўлиш учун ўзимизда куч топамиз. Майли, тилимиз кўнжикан — “бюуртма” ўрнида “заказ”, “режа” ўрнида “план”, “шифокор” ўрнида “врач”, “шартнома” ўрнида “договор”, “ўқитувчи” ўрнида “педагог” бўлса, бўлибди. Бағрикенглигимиз зиёда бўлиб, бу сўзларни маънодош-синоним сўзлар сифатида қабул қилайлик ҳам. Лекин “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да “завхоз”, “заповедник”, “катаяса”, “музикант”, “кружок”, “уборщица”, “холодильник” каби сўзлар нима қилади? Бундай сўзлар лугатда беш-ўнта,

холос, деб ўйланган. Уларнинг сони ҳаддан зиёд ва “заповедник”нинг маъноси кулгили тарзда “қўриқхона”, дея изоҳланган. Савол туғилади: бу таржи-ма лугатми ёки изоҳли?

“ЗАК” ВА “ЗАМБУР” БОР,
ЛЕКИН...

Чортоқ туманининг Пешкўрғон қишлоғида пишган меваси қизил-қора рангда бўладиган дарахтни олвали деб аташди. Олваланинг ёнида пишган меваси сариқ-қизғиш тусли олча дарахти ҳам ўсади. Кўплаб ҳамқишлоқларимиз ховлисиди олвали ва олча билан бирга пишган меваси қизил рангли ва катталиги ёнгоқдек-ёнгоқдек келадиган олхўри дарахти ҳам бор. Бошқача айтганда олвали — олча ва олхўридан мутлақо фарқланувчи дарахт. “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да эса “олвали”нинг маъноси “олча ёки олхўри” деб кўрсатилган. Ўзи “олвали”. У қандай қилиб яна “олча” ёки “олхўри” бўлиб қолади? Изоҳли лугатда бундай чалқашликлар анчагина. Масалан, маккажўҳорининг доғли ва донсиз мевасига бир хил, яъни “сўта” деб изоҳ берилди. Қандай қилиб икки хил ҳолат бир сўз билан ифодаланиши мумкин? Донсиз ҳолатдаги ўзани ифодаловчи сўз ўзбек тилида йўқми? Бор! Топса бўлади! Фақат бунинг учун

машаққат чекиш, изланиш лозим. Бизнинг қишлоқда сўтанинг донсиз ўзаги “чўғолоқ”, дейилади. Балки бошқа шева-ларда бу сўзнинг яна муқобили бордир. Нима бўлганда ҳам сўтанинг донсиз ўзагини ифодаловчи сўз “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”дан ўрин олгани маъқул. Бу “чўғолоқ” бўладими ёки бошқа сўз — лугатчиларнинг ихтиёрида.

Кўпчилик изоҳли лугатда шевага хос сўзлар берилмайди, деган мулоҳазада юради. Аслида эса бундай эмас. “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да ҳам маъноси изоҳланган шевага хос сўзлар учрайди. Масалан, “зак” (зах), “замбур” (қовоқари). Назаримизда, “зак”нинг шевага хос сўз сифатида берилиши биров гаплати. Бу сўз — шунчаки “зах” сўзининг бузилган шакли. Халқимиз нутқида “замбур” сўзи ҳам у қадар оммалашмаган. “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” адабий сўзлигимизга асосланган экан, бу каби шевага хос сўзларнинг унга киритилиши фойдаланувчилар орасида баҳс-мунозара уйғотиб, иккиланишларга сабаб бўлиши мумкин. Луғатга киритилиши шарт бўлмаган шевага хос сўзлар ўрнига халқ нутқи ва адабий асарларда учрайдиган бошқа сўз намуналарига ўрин ажратилиши мақсадга мувофиқ.

Ўқитувчи ва ўқувчилар Турди Фароғийнинг “Тор кўнглилик бекалар” деб бошланувчи газалини яхши билади. Фа-

залдаги “Бир яқодин бош қичориб, барча бир тўнга кириб, Бир ўнгурилик, бир тиризлик, бир яқо-енглик қилин” байтида ишлатилган “ўнгурилик” сўзи бир пайтлар олимлар ўртасида баҳс-мунозарага сабаб бўлгани кўпчилиكنинг ёнида бўлса керак. Ушанда байтдаги “ўнгуру” сўзига 10-синф “Ўзбек адабиёти” мажмуасида “чўқурилик” деб изоҳ берилганди. Ҳолбуки, бу сўз чопоннинг бир қисми экани кўпчиликига маълум. Кейинчалик 7-синф “Адабиёт” дарслигида “ўнгуру” (чопоннинг этак қисми) ва “тириз” (чопоннинг елка қисми) сўзлари ўқувчига тушунарли тарзда изоҳланди. Қарангки, “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”га айнан мана шу сўзлар киритилмаган. Ваҳоланки, бу сўзларнинг лугатдан ўрин олишига эҳтиёж бор. Ҳозир ҳам Чортоқ туманининг Пешкўрғон қишлоғи аҳли чопоннинг этак қисмини “ўнгар” шаклида ишлатади. Мазкур қишлоқ аҳолиси, шунингдек, пайкалча сув тарашида ишлатиладиган ўқариқнинг эгاتларга сув тақсимловчи қисми, яъни кичик ариқчи “тиржа” деб атади. Биз бундай атамани “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да ўчратмадик.

Кўриниб турибдики, “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” тузатилиш ва тўлдирилишга муҳтож. “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”нинг янги нашрига қадар изоҳли лугатда тозалов жараёни ўтказилиши шарт. Шу жараён ўтказилса, изоҳли лугатдан минглаб сўзлар чиқиб кетади. Бундан чўчимаслик лозим. “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”даги сўзлар миқдори саксон мингдан камайиб кетмайдик асло. Ташкиллаганимиздек, ўзбек тили шеваларида изоҳли лугатдан ўрин олиши лозим бўлган сўзлар сероб. Уларни топиш ва жой-жойига қўйиш — ҳар бир тилшунос, филолог ва зиёлининг асосий бурчи!

Луғат иши — чинакам заҳмат! Шу маънода, лугат муаллифлари меҳнатини қадрпамаслик фикридан мутлақо йироқмиз. Яна бир бор таъкидлаймиз: изоҳли лугат нашри учун катта меҳнат сарфланган. Бироқ улкан меҳнат асосида юзлаб, ҳатто минглаб хато ва камчиликларга йўл қўйилгани ҳам факт! Бундан кўз юммайлик ва хато-камчиликларни биргаликда тузатайлик!



Фахр

Буюк алломаларимизнинг ислом цивилизациясида тутган ўрни ва аҳамияти, уларнинг бой илмий-маънавий меросини тадқиқ қилиш, кенг жамоатчиликка етказиш, хусусан, ислом динининг инсонпарварлик ҳамда тинчликпарварлик моҳиятини илмий асосда очиб бериш юзасидан охирги тўрт йил ичида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ҳадис илми мактаби каби бир қатор илмий-маърифий марказлар очилди.

Президентимизнинг 2020 йил 11 августдаги қарори асосида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳам ислом дини таълимоти ва асослари, хусусан, аждоқларимизнинг ислом цивилизация ривожига қўшган улкан ҳиссасини илмий асосда ўрганиш соҳасида ташланган муҳим қадам бўлди.



Даврон МАХСУДОВ,
Имом Мотуридий халқаро
илмий-тадқиқот маркази
директори,
тарих фанлари доктори

Юртимизда диний соҳада амалга ошири-лаётган бундай ишлар халқаро ҳамжамият томонидан алоҳида эътироф этилиб, юқори баҳоланди. Хусусан, Миср Араб Респуб-ликасида ҳар куни қарийб 2 миллион нусхада чоп этиладиган нуфузли “ал-Хабар ал-яям” (“Кун хабари”) газетасида “Ўзбекистонда Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди” сарлавҳали мақола эълон қилинди. Ўзбекистонда яна бир ну-фузли илм-маърифат маскани ташкил этил-гани кенг ёритилган.

Ҳозирга келиб марказ Мисрнинг ал-Ахзар университети ҳузуридаги Имом Ашъарий, Туркиянинг Салжук университети Имом Мо-туридий маркази, Буюк Британиянинг Имом Мотуридий институти, шунингдек, Европа, Осиё, Марказий Осиё ва Африкадаги бир қатор илмий муассаса ҳамда мотуридий-шунос олим ва мутахассислар билан ҳам-корликни йўлга қўя бошланди. Чунки соф ақидавий таълимотни ўрганиш нафақат биз-нинг юртимиз, балки бошқа мамлакатларда ҳам долзарб саналади.

Таъкидлаш керакки, Самарқандда асос солинган мотуридийлик ақидавий таълимо-ти йиллар ўтиб бутун ислом оламида кенг тарқалди ва суннийлик йўналишида ашъ-арийлик қаторида икки асосий мактабдан бирига айланди. Дунё мусулмон аҳолиси-нинг 40 фоизга яқинини қамраб олган хана-фийлик-мотуридийлик Марказий, Жанубий, Кичик Осиёда кенг, Шимолий Африка, Яқин Шарқ, Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари-да муайян даражада тарқалган. Бу ҳам ма-зкур таълимотнинг нақадар аҳамиятли экани-дан далолатдир.

Буюк аллома Абу Мансур Мотуридий ҳақида сўз кетганда унинг ҳаёти ва илмий ижодига ҳам алоҳида эътибор қаратиш ло-зим. Манбаларда қайд этилишича, аллома 870 йили Самарқанд атрофидаги Мотурид қишлоғида туғилган. Унинг тўлиқ исми Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳ-муд Ҳанафий Мотуридийдир. У 945 йил Самарқандда вафот этган ва шаҳар четида жойлашган Чокардиза қабристонига дафн этилган. Ҳозир ушбу ҳудуд ободонлаштири-либ, зиёрат масканига айлантирилган.

Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавий қала-

Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказа билишимиз керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



МОТУРИДИЙ МЕРОСИНING МУНОСИБ ВОРИСЛАРИ

мига мансуб “Қатоиб ал-аълум ал-ахёр фи табақот фуқаҳо ва машойих мазҳаб ан-Нў-мон” (“Нўмон мазҳабига мансуб таниқли аллома фақиҳлар ва шайхлар ҳақидаги ки-тоб”) ва бошқа бир қатор манбаларда Имом Мотуридийнинг қачон ва қаерда вафот этга-ни ҳамда асарлари ҳақида батафсил маъ-лумотлар берилган. Уларнинг айримларида эса алломанинг насаби машҳур саҳобий Абу Айюб Ансорий (р.а.)га бориб тақалиши, шу сабаб унга “ансорий” нисбати берилганини кўриш мумкин.

Имом Мотуридийнинг ақидага доир “Ки-тоб ат-тавҳид” ва Қуръон тафсирига бағиш-ланган “Таъвилот аҳли сунна” асарлари жуда машҳур саналади. Ушбу икки йирик китоб бизгача етиб келган ва тўлиқ шакл-да чоп этилган. Бундан ташқари, “Китоб ал-мақомат”, “Китоб рад авомил лил-адила лил-каъбий”, “Китоб баён авҳом ал-муъта-зил”, “Китоб ар-радд алал-муътазил”, “Ки-тоб ар-радд алал-қаромита”, “Китоб ар-радд алал-Рофиза”, “Китоб ал-жадал”, “Маохиз аш-шариа”, “Раддул усулил хамса ли Аби Муҳаммад Бахилий”, “Китоб ал-маъқулот”

каби асарлари борлиги ҳақидаги маълумот-лар ҳам келтирилади. Бироқ улардан қўлла-ри бизгача етиб келмаган, етиб келганлари ҳам хориждаги кутубхона ва қўлэзма фонд-ларида сақланади.

Имом Мотуридий ўз замонасининг аҳли сунна вал жамоа эътиқодидаги ханафий ула-моларидан таълим олган. Эътиборли жиҳа-ти, Имом Абу Мансур Мотуридий устозлар силсиласи билан имом Абу Ҳанифага бориб тақалади ҳамда Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад орқали Абу Ҳанифанинг тўртинчи авлод шоғирди ҳисобланади.

Тарихчиларнинг таъкидлашича, имом Абу Мансур Мотуридийга бевосита дарс берган дастлабки устози Абу Наср Йўзий бўлиб, у ўз даврининг буюк олимларидан бири саналган. Шунингдек, Имом Мотуридий Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Солиҳ Жузжоний, Муҳаммад ибн Муқотил Розий (Рай шаҳри қозиси бўл-ган), Нусайр ибн Яҳё каби етук алломалар-дан илм олган. Улар шоғирдларига, асосан, имом Абу Ҳанифанинг “Фиқҳул акбар”, “Рисо-ла”, “Фиқҳул абсат”, “Китоб ал-олим вал мута-аллим” китобларидан дарс берган.

Абу Мансур Мотуридий, ўз навбатида, бир қанча етук шоғирд тарбиялаган. Улардан Абул Қосим Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоил Ҳаким Самарқандий, Имом Абул Ҳасан Али ибн Саъийд Растағфаний, Имом Абу Муҳам-мад Абдулқарим ибн Мусо Баздавий, Имом Абу Лайс Бухорий кабилар ислом оламида машҳур бўлган. Алломанинг шоғирдлари кейинги асрларда ҳам кўпайди. Жумладан, Фахрул Ислол Баздавий, Абу Муин Наса-фий, Умар Насафий, Ибн Ҳумом, Саъдулдин Тафтазоний сингарилар мотуридия таълимо-тининг кўзга кўринган вакилларидан эди.

Мотуридийлик аҳли сунна вал жамоанинг калом илми — ақидага мансуб бўлган таъ-лимотидир. Қалом илми ислом динида эъ-тиқод қандай бўлишини ўргатадиган илмдир. Шунинг учун ҳам Мовароуннаҳрдаги барча ақидавий ва илмий масалаларда Имом Мо-туридийга мурожаат қилиниб, у кишидан ақо-ид, фикҳ, усулун фикҳ ҳамда бошқа диний илмларни ўрганишган.

Имом Абу Мансур Мотуридий ислом ола-мида турли ўзгаришлар, хусусан, ақида бо-расида фирқаларнинг ўзаро тортишувлари авж олган бир пайтда яшаган ва ўз замона-сида ақида борасидаги кўпгина муаммо ва тушунмовчиликларга аҳли сунна вал жамоа маъзаҳби асосида барҳам беришга ҳаракат қилган. Хусусан, муътазила, муржиийлик, мушаббиха, қадария, қарромия, жаҳмия каби кўплаб бузғунчи оқим ва фирқалар ди-ний илми саёз кишиларга ақида борасидаги ихтилофли масалаларни ўртага ташлаш ва жамиятнинг тафриқаланиши учун уринаёт-ган даврда Абу Мансур Мотуридий ханафия маъзаҳби асосида жамиятни бирлаштиришга муваффақ бўлган. Шунинг учун ҳам Имом Мотуридийнинг ислом оламидаги маквеи жуда юқори бўлиб, унга “аламул ҳуда” — ҳидоят байроғи, “имомул ҳуда” — ҳидоят имоми, “мусахҳиҳу ақидати аҳлис-сунна” —

“аҳли сунна ақийдасини тўғриловчи”, “имо-мул мутақаллимин” — “мутақаллимларнинг имоми” каби нуфузли унвонлар берилган.

Бугунги кунда дин номидан турли ихтилофлар пайдо бўлиб, яқдил эътиқод си-фатида шаклланган аҳли сунна вал жамоа таълимотига ёт бўлган мутаассиб оқимлар фаолияти тобора кучайиб бормоқда. Бундай шароитда ушбу мутаассиблар ўзларининг га-разли мақсад ва гоъларини тарғиб қилишда замонавий технологиялардан, турли тарғи-бот усулларидан фойдаланишлари муаммо-нинг янада долзарб аҳамиятга эга эканини намойён этади.

Ўзига хос мафкуравий кураш жараёнида ақида илми борасидаги тадқиқот ва изла-нишларни янада тақомиллаштириш зарур. Хусусан, ботил эътиқоддаги тоифаларнинг гаразли мақсадлари йўлида асл моҳияти бузиб талқин қилинаётган “такфир”, “тоғут”, “боғий” тушунчаларининг ҳақиқий соф маъ-носини Имом Мотуридийнинг “Китоб ат-тавҳид” асари орқали кенг оммага етказиб бериш, айниқса, мамлакатимиз ёшларини бузғунчи гоълар таъсиридан ҳимоя қилиш ҳозирги мураккаб даврнинг энг долзарб ва-зифаларидандир. Айнан Имом Мотуридий-нинг “Қуролнинг илмдан яса” мазмунидagi насихатлари ҳар қандай вазиятда ҳам илм энг асосий қурол бўлиши даркорлигини кўр-сатади.

Дарҳақиқат, ёшларимизни миллий анъ-ана ва қадриятларимиз асосида қомил ин-сон қилиб тарбиялашдаги бирдан-бир тўғри йўл илм билан наҳот топишдир. Бу борада буюк мутафаккир алломаларимизнинг ил-мий-маънавий меросини ўрганиш ва ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш бугунги куннинг бирламчи вазифаларидан.

Шу маънода, янги ташкил этилган Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ислом дунёсининг буюк мутафаккири, “му-сулмонлар ақидасини тўғриловчи”, “ҳидоят пешвоси” Абу Мансур Мотуридийнинг ил-мий мероси, мотуридийлик таълимотига оид ақидавий манбаларни чуқур ўрганиш, улкан меросни ёшлар ҳамда халқаро жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш, хусусан, ақида масалаларида илгари суриляётган нотўғри тушунчаларни мотуридийлик таълимоти асосида тузатиш каби долзарб вазифалар-ни бажаради. Шу билан бирга, калом илми ва унинг бугунги кундаги аҳамиятини илмий асосда тадқиқ этиш, мамлакатимизда ва хорижий давлатларнинг кутубхоналари ва архив фондларида сақланаётган буюк ал-ломаларнинг калом илмига оид қўлэзма ва тошбома асарларининг асл ҳамда электрон нусхаларини ўтпаши ва келажак авлодга ет-казиш ҳам муҳимдир.

Диний-маърифий соҳада амалга ошири-лаётган бундай хайрли ишлар халқимизга улуг аждоқларимизнинг бебаҳо маънавий меросидан янада кўпроқ баҳраманд бўлиш имконини беради. Замонамизнинг Бухорий-лари, Термизий ва Мотуридийлари етишиб чиқишига асос бўлиб хизмат қилади.

Тадбир



ЁШЛАР МАЎЗАН БИТИКЛАР МОҲИАТИНИ АНГЛАМОҒИ ЛОЗИМ

Муножат МҲМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Қўхна Самарқанднинг Мотурид қишлоғида туғилиб вояга етган Абу Мансур ал-Мотуридий тафсир, ҳадис, фикҳ, мантиқ каби илмлар равнақиға улкан ҳисса қўшган алломадир. У нафақат Марказий Осиёда, балки бутун ислом оламида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган мутафаккирлардан бири бўлган.

Аллома ўша давр муҳити тақозосига қўра, ислом динининг асл моҳиятини очиб бериш ва таълимоти софлигини сақлаб қолиш бо-расида мантиқий-рационал далиллаш услубини қўшимча тарзда киритган. Шу аснода, адашган оқимларнинг қарашларига нисбатан улар томонидан келтирилган ҳужжатлар шаклига муносиб ва улар томонидан тан олинishi мумкин бўлган йўсинда раддиялар берган ҳамда шу зайдла ханафий маъзаҳбини услуб жиҳатидан бойитган.

Олимнинг бу хизмати катта тарихий иш саналиб, ханафий маъза-би доирасида амалга оширилган. Натижада ақоид илми бўйича ақ-лий мактаб юзага келган. Мутафаккирдан “Китоб ат-Тавҳид” (“Аллоҳ-ни ягона деб билиш ҳақидаги китоб”), “Китоб ал-Мақомат”, “Каъбий залолларининг бошланишини рад қилишга бағишланган китоб”, “Муътазила гавғолари ва ундан қўрқмаслик ҳақидаги китоб баъни”, “Қуръон таъвили китоби”, “Шариат асослари”, “Китоб ал-жадал”, “Ди-алектика ҳақида китоб” каби асарлар мерос қолган.

Яқинда “Мотуридия таълимотини ўрганиш: ўтмиш ва бугун” мав-зусида онлайн илмий семинар ташкил этилди. Унда марказ ва Ўзе-бекистон халқаро ислом академияси профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлар, мисрлик мотуридийшунос олим, доктор Аҳмад Саъд-Да-манхурий, тадқиқотчилар ҳамда талабалар иштирок этди.

Семинар давомида Мисрнинг ал-Ахзар университети таниқли мотуридийшунос олими Абдуллоҳ Муҳаммад Абдуллоҳ Исмоил та-лабаларга “Мотуридия таълимотини ўрганиш: ўтмиш ва бугун” мавзусида маъруза қилди. У Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг мотуридия таълимотига оид “Рисала фи ат-Тавҳид”, Имом Абулмуъ-ин ан-Насафийнинг “Баҳр ал-Калом”, Абулбарокот ан-Насафийнинг “Уъма ал-ақоид” ва “ал-Эътиқод фи ал-эътиқод”, Абу Исҳоқ ас-Саф-фар ал-Бухорийнинг “Талхис ал-ақидилла”, Имом Ҳасан ибн Абу Бакр ал-Мақдсийнинг “Гоя ал-маром фи шарҳ Баҳр ал-калом” ва бошқа қатор бирламчи манбалар ҳақида алоҳида тўхталиб, уларнинг ислом динини тўғри тушунишдаги муҳим аҳамиятига уру берди.

Семинар иштирокчилари Имом Мотуридийнинг ҳозирда ҳам ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотмаган асарлари, нодир қўлэзма-ларда ёзилган бебаҳо илмий ёшларга етказиш, уларни эзгу уму-минсоний гоълар руҳида тарбиялаш, уларда маънавий ва маърифий қарашларимизга ёт бўлган салбий таъсирларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш кераклигини қайд этишди.

Хулоса айтиш, алломанинг маъзан битикларини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш бугун гоът муҳимлик касб этиб, юртимиз олимлари то-монидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, ўтказиб келинаёт-ган семинарлар бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз.

Шукроналик

ОНАНИНГ ҚУВОНЧ ЁШЛАРИ

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири.

Конституциямизнинг 28 йиллиги арафасида давлатимиз раъснинг “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтқатган, қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлган ва тузулиш йўлига қатъий ўтган бир тўғруқ шахсларни афв этиш тўғрисида” қў тармониға биноан 104 фуқаро афв этилди.

Халқимизга хос бўлган инсо-нийлик, кециридиллик ва меҳр-му-руватни ўзида жамлаган бир қанча фармон қанчадан-қанча юртдош-ларимизнинг ҳаётини янгидан бо-шлашга имконият берди.

Афв этилган шахслар орасида Қорақалпоғистон Республикаси-нинг Тахитов туманида истико-мат қилувчи Парахат Холмедов ҳам бор. Унинг ҳаётида ўз олдига қўйган мақсадлари бисёр эди. Лекин орзуларига етишиш осон кечмади. У ўрта махсус билим юртини тугатгандан сўнг ўқишини давом эттира олмай хорижга ишга кетди.

Чет элда диний-экстремистик гуруҳга аравлашиб қолганлигини кеч англаб етди. Натижада унга нисба-тан 6 йил озодликдан маҳрум этиш жаъоси қўйилди. Президентимизнинг юқорида қайд этилган фар-мониға асосан Парахат Холмедов муддатидан олдин озодликка чиқарилди.

— Мен қилган ишим учун чин дилдан пушаймонман. Ўзим ан-гламай ёмон одамларга қўшилиб қолдим, — дейди Парахат. — Энди оилам даврасида, қариндош-ларим орасидаман. Озод, эркин, яқинлар даврасида, ўз ватанида яшаш қанчалар бахт эканлигини тушуниб етдим...

Орадан ўтган беш йил ичида Холмедовлар оиласида бир қанча ўзгаришлар юз берди. Парахат-нинг укалари уйланиб, оилани, фарзандли бўлди. Хонадон жажжи болакайларнинг қувонқ қулпусига тўлди. Лекин бу кулгулар ҳам она-си Аравул момонинг юқоридаги дардди арига олмади. Давлатимиз раҳбарининг фармони унинг кўз-ларини қувонч ёшларга тўлдириди.

— Ҳеч кимнинг тақдирига бундай қулларни ёзмасин, она ўз фарзанди доғида ёнмасин, — дейди Аравул Аразова. — Президентимизга минг раҳмат. Ўғ-лимни бағримга қайтарди.

Парахат Холмедов бугун ўзига берилган имкониятдан тўлиқ фой-даланиб, жамиятта, элу юртимизга муносиб фарзанд бўлишни ният қилган.

Яхши хабарнинг қаноти бор дейишади. У тез тарқалади. Па-рахатнинг қайтганидан хабар топ-ган туман ҳокимлиги, ички ишлар бўлими вакиллари унинг уйига таширф буюриб, байрам билан табриклади ва совғалар топшир-ди. Эътиборлиси, туман бандлик-ка кўмаклашиш марказининг йўл-ланмаси билан Парахат доимий иш ўрнига эга бўлди.